

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2023-yil
11-oktabr
chorshanba
№ 39 (1362)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Замонавий таълим билим, кўникма, малака билан бирга ижодий қобилият (компетентлик) ни шакллантиришни ҳам тақозо этади. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг воқеликка плюралистик қарашлар асосида мантикий фикрлаш, танқидий ёндашув, қиёсий таҳлил санъатини эгаллашига хизмат қилади.

Илм олиш, ўқиш, ўрганишнинг ўзи кунт, сабр-чидам, машаққат. Ургатиш эса бу жиҳатларни ўн ҳисса қийинлаштиради. Дарс жараёнларида ўқитувчи, мураббийлар ёшларга фан доирасида билим беради. Ўз навбатида уларни мустақил ўқишлари, изланишлари учун кўникма ҳосил қилиши ҳам шарт. Шундагина ёш авлод ўзи ўқиб, изланиб, малака ошириб боради. Мана шу учала компонент шаклланган инсонда ижодий қобилият (компетентлик) вужудга келади. Пировадидида таълим тизимида кўзланган мақсад ёшларимиз воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, мантикий фикрлаб, танқидий ёндашиб, тўғри хулосага келадиган салоҳиятли кадрлар бўлиб етишадилар.

ГАЗЕТАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН



Биз бугун таълим жараёнида мақсадни юқори қўйганмиз-у, лекин вазифани тўғри белгилай олмаганимиз, назаримизда. Буни сўнгги йилларда мактаб битирувчиларининг олий таълим даргоҳларига кириш тест жараёнларидаги олаётган балларидан ҳам билсак бўлади. Замонавий тестлар жамланмаси оддийдан мураккабга, таҳлиллаш санъатига, мантикий фикрлашга асосланганлигини инobatта олсак, ёшларимизда бу жиҳатлар етишмаётганлиги ойдинлашади. Тўғри, тест саволларининг пала-партишлиги, мантиқдан йироқлиги, "оёғи осмон-

дан" бўлиб ётгани ҳам бор гап. Бу ҳақда ҳам кўп айтади. Лекин барибир олий таълим даргоҳида ўқиш учун ҳужжат топшираётган ёшларнинг аксарияти, минг афсуски, ҳамон алифни калтак деб юргани ҳам сир эмас. Шундай экан, юртимизнинг 14 та ҳудудидан 9 тасида 2022-2023 ўқув йили учун ОЎЮларига кириш тестларидан 50 фоиз абитуриентлар қониксарсиз балл олганлиги, 2023-2024 ўқув йилида эса 8 та ҳудудда бу кўрсаткич қайд этилганлиги ҳар биримизни уйлантириши лозим. Ижтимоий тармоқларнинг ривожланиш тенденцияси

газета ва журналларга фуқароларнинг, ташкилот ва корхоналарнинг обуна бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Албатта, ахборотлар оқими кучайган давр, ижтимоий тармоқлар орқали янгиликдан ўз вақтида хабардор бўлиш яхши. Бироқ одамларимизнинг унга тобелиги оқибатида газета, журнал, китоб ўқимаи қўйиши ачинарли ҳол. Бу эса ёшлар дунёқарашига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб қўйди.

2-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР — УЮШМА АЪЗОЛАРИ САФИДА!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолари сафи ўз касбига меҳр қўйган, янгиликка интилувчан, билимли ва иқтидорли ёш журналистлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 ундаги қарори билан тасдиқланган "2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури"да уюшмага аъзолар қабул қилишни такомиллаштириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани ёш журналистларни ҳам уюшма аъзоси бўлишга руҳлантирди.



Шу ўринда умумий гапларни эмас, аниқ мисолларни келтириб ўтсак. Сабина Алимова — 2019 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг бакалавр, 2021 йилда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг магистратура босқичини тамомлаган. "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган. Айни пайтда "Янги Ўзбекистон" — "Правда Востока" газеталари таҳририятида маданият ва маърифат бўлими мудир вазифасида фаолият юритмоқда.

Бехруз Худойбердиев, 2023 йилда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети "Интернет журналистика ва медиаменеджмент" факультетини тамомлаган. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги "Халқаро ахборот" таҳририятида етакчи муҳаррир бўлиб ишлаган. Ҳозир ЎЗА Президент "POOL" маркази етакчи муҳаррири.

3-6

ИЖОДИЙ САЁҲАТ



ТОЖИКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ

(Биринчи мақола)

Сафарга чиқилишнинг ҳамиша ҳам ўз гаши бўлади. Айниқса, узоқ йўлга чиқаётганда ҳар ким ҳам тадорик кўради. Аммо бугун қадимги даврлардагидек, оту туяларда ҳафталаб, ойлаб юрадиган замон эмас. Яратган Эгамнинг иноятига кўра ҳазрати инсон темир учоқларни, авто деган темир уловларни кашф қилиб қўйди. Шу боис, имкон бўлса, бир неча кунда дунёнинг нариги чеккасига бориб келиш ҳам ҳеч гап эмас.

Болалигимда ёши улуг кишилардан эшитган эдим. Бир бечора ўзи яшайдиган қиш-

лоқдан чиқиб, узоқроқ бир тепаликнинг нариги чеккасига бориб ҳайратланиб шундай дебди: "Эҳ ҳе, дунёнинг чеки-чегараси йўқ экан-да, мен фалон тепаликнинг нариги тарафига бориб келдим". Маълум бўлишича, бу тепалик 3-4 чақирим наридаги бир жой экан. Шу гапни айтишиб, ҳаммамизни кулдиришар эди.

Майли, бу бир ҳангомали гап, ўринлими-ўринсизми, шунчаки хаёлга келиб қолди. Асло бугунги кунларга ҳам, сафаримизга ҳам алоқаси йўқ.

Бу гапни ижодий сафар кўшни ва биродар

давлат — Тожикистонга бўлди.

Тожикистонда шахсан камини иккинчи бор бўлишим. Ўтган йили айнан шу октябрь ойида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Тожикистон Журналистлар иттифоқи ташкил этган сафар иштирокчиси бўлганим ва бу юрт ҳақидаги тасавурларим ниҳоятда бой бўлганини сира унутиб бўлмади. Чунки бу ўлканинг ниҳоятда гўзал табиати, пурвиқор тоғлари, кўм-кўк арчазорлари, меҳмондўст ва самимий одамлари юракдан жой олган.

4-6

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ:

ИМКОНИЯТ ВА ТАҲДИДЛАР

Кейинги пайтларда сунъий интеллект мавзуси бутун дунёда кенг муҳокама қилинаётган, кези келганда унча-мунча шов-шувларга ҳам сабаб бўлаётган мавзуга айланди. Айниқса, Америкадаги замонавий технологиялар бўйича гигант компаниялар раҳбарларининг яқинда жамоавий тарзда эълон қилинган сунъий интеллект ишланмаларини вақтинча тўхтатишга чорловчи очиқ хати эса кўпчиликни буткул эсанкиратиб қўйди. Наҳотки инсон томонидан яратилган сунъий онг чинданам унинг ўзига таҳдид солувчи хатарнок кучга айланган бўлса?..

Аслида, бу савол анчадан бери бор эди. Голливудда шу мавзуда ишланган ажойиб-ғаройиб фильмларни мухлислар севиб томоша қилишар, лекин деярли ҳеч ким уларни жиддий қабул қилмас эди. Не тонки, айни вақтга келиб жаҳонда сунъий интеллект билан боғлиқ ишланмалар ақлбодар қилмас натижаларни бераёпти ва ҳамон шиддат билан ривожланишда давом этмоқда. Сунъий ақл амалга ошираётган ишлар инсонларни ҳайрату ҳадикка солишдан тўхтамаёпти. Ҳайдовчи-

сиз бошқариладиган машиналар, виртуал суҳбатдошлар, глобал қидирув тизимлари, талабаларга курс ишини беминнат ёзиб берувчи "ҳожатбарор" чат-ботлар... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Ундан тўбора рақамлашиб бораётган ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ҳозир-нозир.

Хўш, сунъий интеллект ўзи нима, унинг фойда ва зиёни қандай? Ундан шу қадар хавфсиршимиз ўринлимикин? Энг асосий савол — бу янгилик ёшлар ҳаётига қай даражада таъсир кўрсатиши мумкин? Қўйида шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ҳеч муболағасиз, бугун биз фантастик фильмларда тасвирланганидек, узоқ келажакда яшапмиз. Атрофингизга бундоқ назар солсангиз, кундалик ҳаётингиздаги кўплаб вазифаларни бевоқифа ёки билвосита технологик ускуналар бажараётганини кўрасиз. Бирон-бир ишни бажариш учун қайсидир тугмачани босишнинг ўзи кифоя. Чунки ҳозирги замонавий электрон қурилмаларнинг барчаси сунъий интеллектнинг у ёки бу даражадаги ишланмалари билан жиҳозланган.

6-6

ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Қирғиз Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Саидир Жапаровнинг сиёсий иродаси, қатъияти муҳим асос бўлди.

Ўзбекистон яқин истиқболнинг муҳим дастуриламали бўлган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш” вазифаси алоҳида устувор мақсад сифатида қайд этилган.



ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК РАМЗИ

Ушбу мақсаднинг ҳаётий инъикоси 2023 йил бошида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаровнинг тақдирини бинаман давлат таърифи билан шу мамлакатда бўлгани ҳамда маъруза ташрифи доирасида имзоланган тарихий ҳужжатларда яққол намоён бўлди. Мазкур учрашувда Томонлар кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини батафсил муҳокама қилиб, уни чуқурлаштириш бўйича аниқ қарорлар қабул қилдилар. Ушбу қарорлар икки қардош ва ёндош мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожига, таълим соҳасидаги ҳамкорлик истиқболига ҳам хизмат қилди десак, муболага бўлмайди. Қачонки кўшнлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришса, улар учун умий манфаатларга дахлдор минтақавий хавфсизлик масалаларидан тортиб таълим, энергетика, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа соҳалардаги ириқ лойиҳаларни амалга оширишга бўлган ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш осон кечади. Шу нуқтаи назардан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мулоқот стратегик шериклик мақомига эга бўлгани, икки мамлакат етакчилари иттифоқчилик муносабатларини ривожлантиришга бел боғлагани қувонарлидир. Маълумотларга назар ташланса, ўтган 6 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 баробарга ошганини кўриш мумкин. 2023 йил январь-август ойларида ушбу кўрсаткич 700 миллион АҚШ долларига етган. Мамлакатларимиз ўртасида савдо ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларга етказиш учун етарли салоҳият ва барча имкониятлар мавжудлиги мутахассислар томонидан қайд этилмоқда.

Жорий йил Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатлари ривожига тарихий давр бўлди. Хусусан, гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича амалга оширилган ишларнинг ўзидек сўзимиз тасдиғи бўла олади. Шу ўринда ўзбек ва қирғиз халқлари анъаналари, маданияти ва кадриятлари муштараклигини алоҳида қайд этиш жоиз. Бизнинг тилимиз, динимиз, тарихимиз ва меросимиз бир. Бу жиҳатлар маданий-гуманитар алоқалар ривожига муҳим омили бўлмоқда. Ўзбекистонда қирғиз тили ва маданиятини, Қирғизистонда ўзбек тили ва маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мисолида гапирадиган бўлсак, шу кунгача Қирғиз Республикасининг 8 та университети билан ҳамкорлик ўрнатилган. Университетимиз қўшни мамлакат таълим муассасаларидаги ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишлари учун таянч ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ўтган йиллар давомида дорилфунуимизда Қирғиз Республикасининг 32 нафар ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ўз малакаларини оширишди. Бизнес профессорларимиз мунтазам равишда Қирғиздаги ҳамкасблари билан мулоқот қилиб, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш соҳасидаги замонавий тенденциялар, методик усуллар, муаммо ва ечимлар ҳақида маърузалар ташкил қилишди.

Мана шу эзгу ишларнинг давоми сифатида 2023 йилнинг 3-4 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Б.Сидиков номидаги Қирғиз-Ўзбек университетида “Олий таълим тизимида интеграция, ҳамкорлик ва инновациялар” мавзусидаги Ўзбекистон-Қирғиз Республикаси олий таълим муассасалари ректорларининг I халқаро форуми ўтказилди. Қирғиз Республикаси билан конструктив, серқирра ҳамда ўзаро манфаатли мулоқот Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакта муносабатлар ижобий тарафга силжиб, аниқ амалий мазмун билан бойим.

Ушбу форум ана шу ҳамкорликнинг яна бир самараси ўлароқ ташкил этилди, шу форум доирасида ТошДўТАУ билан Қирғиз Республикасининг 6 та олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик шартномалари тўзилди. Боткен давлат университети билан талабалар (бакалавр, магистр, илмий тадқиқотчилар) академик алмашинуви тизимини йўлга қўйиш ва фаоллаштириш, ўқитувчилар стажировкасини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бундан ташқари, Карасаев номидаги Бишкек гуманитар университети билан илмий, ўқув-слубий йўналишларда ҳамкорлик ўрнатилди. Жусуп Баласагин номидаги Қирғизистон миллий университети билан илмий салоҳиятини янада ошириш бўйича, Т.Содиқов номидаги Қирғизистон Республикаси Миллий Бадий Академияси эса қирғиз тадқиқотчилари ва педагог ходимларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини янада яхшилаш, уларнинг ТошДўТАУда илмий изланишлар олиб бориши учун имконият яратиш бўйича, А.Мирсабекова номидаги Ўш гуманитар-педагогика университети билан ҳамкорликда илмий семинарлар, конференция ва форумлар ташкил этиш, қирғизистонлик талабалар учун ТошДўТАУда онлайн ва офлайн ўқиш имкониятини кенгайтириш бўйича, Б.Сидиков номидаги Қирғиз-Ўзбек халқаро университети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабаларнинг мақоаларини ҳамкор ОТМ илмий нашрларида чоп этиш юзасидан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Шу кунларда биз яна бир тарихий воқеа гувоҳи бўлдик, 4 октябрь куни Қирғиз Республикасининг

Ўш давлат университетидеда Ўзбек тили ва маданияти маркази очилди. Бу марказни очиш ташаббуси бизнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан билдирилган эди. Уш давлат университети билан ҳамкорлик ўрнатган илк кунларданқ шундай марказ очилди билан яхши таниш, аммо уларга кўпроқ имконият яратиш, қолаверса, ўзбек тили ва маданиятига қизиқувчи кўп сонли зиёлиларнинг талабларини ҳам инобатга олган ҳолда, ушбу марказни ташкил этиш тақдирини билан қилдик. Тақдиримизни Ўш давлат университети вакиллари маъқуллади. Элчи-хоналар томонидан ҳам бу тақдиримиз ижобий қабул қилинди. Тез орада барча зарурий ҳужжатлар тахт қилинди ва биз Ўш давлат университетида Ўзбек тили ва маданияти маркази фаолиятини бошлашга муваффақ бўлдик. Университет томонидан мазкур марказга 209 номда ўзбек тилидаги бадий ва илмий китоблар, бир неча тасвирий санъат намуналари ва кўплаб ўзбек миллий хунармандчилик буюмлари совға қилинди.

Тарих ва бугунги кун қирғиз-ўзбек халқлари нафақат этник келиб чиқиши жиҳатидан, балки руҳиятига кўра ҳам ҳақиқий қардош халқлар эканига яққол гувоҳлик беради. Бу икки қардош халқ тарихий тараққиётнинг барча эврилишларига қарамасдан, шиддат билан ўзгараётган дунёда рақобатбардош бўлиб қолиш учун зарур ислохотларни амалга оширган ҳолда ўз миллий давлатчилигини матонат ва меҳнатсеварлик билан мустаҳкамлаб келмоқда. Қирғиз Республикаси ОТМлари билан туркшунослик, турк тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, минтақашунослик, Марказий Осиё халқлари тарихи йўналишларида ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин. Зотан, эзгу мақсад йўлидаги бирдамлигимиз икки халқ вакиллари учун ҳам манфаатлидир. Муносабатларнинг бундай тарзда куртак элиши Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг халқаро майдонда янада нуфузи ортиб, икки давлат иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги, мамлакатлар халқлари ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва яратувчанлик салоҳиятининг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори,
филология фанлари доктори, профессор.

ГАЗЕТАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН

Газеталарга обуна бўлиш қандай ижобий самара беради?

1-6.

Китобнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни бе- мисл, албатта. Бироқ газета ва журналларнинг китобдан фарқи шундаки, китоблар муайян муаллифнинг фикр-мулоҳазаларини ифода этади. Газета ва журналлар бир вақтда бир қанча муаллиф ва қисқа воқеликлар, таҳлиллар, хабарларни ўзида акс эттириш орқали уларни ўзаро таққослашга, таҳлилга ундайди. Натижада инсон тезкор фикр юритиш, ёритилган маълумотларни қиссий таҳлил қилиш, мулоҳазаларини билдириш билан бир вақтда турли қарашлар негизда тафаккурлаш доираси кенгайиб боради. Буни барчамиз биламиз, бироқ аксариятимиз ва айниқса, айрим билимдонлар буни тушунишни хоҳламаймиз.

Тақлиф ва тавсиялар

Ижтимоий муҳитда аксарият ташкилот ва корхоналарнинг газеталар билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган. Улар қачонки босма нашрларда мақола чоп эттириши лозим бўлиб қолгандагина газеталарни эслашади. Бўлмаса, йўқ. Жамият ҳаётини ташкил этувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий соҳа ташкилот ва корхоналари газета ва журналлар обунасига жиддий эътибор қаратишлари лозим. Негаки, бу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ва халққа мувожаhtonмалар айнан газеталар саҳифаларида босиб чиқарилади. Аксарият ташкилот ва корхоналар “белгилан берилган” нашрларгагина ўлганнинг кундан обуна бўлишга ҳолис. Лекин ҳар бир худуддаги

мувожаатларга, аввало, маҳаллий нашрлар “лаббай” деб жавоб беради. Қачонки юқори турувчи раҳбарият босма нашрларда чиқиш қилишни талаб қилса, газеталар “керак” бўлиб қолади. Демак, биз ҳам фуқароларимиздан шундай талаб қилишимиз керак. Лозим бўлса, уларга намуна бўлишимиз, газета-журналлар ўқиш учун имконият, шароит яратиб беришимиз шарт.

Ҳозирда раҳбарлар қабулига борган фуқаролар ёки меҳмонларга кутиб жойларида қаҳва, чай дамлаб беришади. Шу билан бирга газета, журналлар кўйилса, бу кутган одамларда ҳам, меҳмонларда ҳам қизиқиш уйғотади. Кутиб асосида юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан янада кенгрок хабардор бўлади.

Юртимизда кўплаб сайилгоҳлар, дам олиш масканлари, боғлар ташкил этилган. Бироқ аксарият ҳолларда у жойларга борган инсонларнинг шунчаки вақтни ўлдириш, ўриндиларда бемақсад ўтиришига гувоҳ бўламиз. Шундай жойларда маҳаллий ҳокимият органлари, тегишли ташкилотлар мутасаддилари ташаббуси билан газета ва журналлар учун махсус жойлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунда фуқаролар кутганли маданий хориқ чиқаришлари учун замин яратилади. Юқоридаги қайд этилган ишларни амалга ошириш фақатгина тахририят ёки маҳаллий ҳокимликларнинг вазифаси эмас. Ижтимоий онгинг юқалишига ўзини дахлдор деб билган барча одамларга тааллуқлидир. Акс ҳолда, йилдан-йилга тафаккурлашдаги эврилиш прогрессга эмас, регрессга томон ҳаракатда давом этаверади.

Ижтимоий онгинг ривожини учун барчамиз бирлашайлик! Шундагина “Биз бир бўлсак, ягона халқимиз, бирлашсак, Ватанмиз” ширин амалда янада ўз ифодасини топади. Барчамиз халқимизнинг бугуни ва келажак учун масъуллигимизни унутмайлик.

Ўйлаб кўрин!

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
журналист.



ТҲЙХАТ ҲРНИДА

Илм инсон умрини бебаз турувчи нурдир. Бу нурнинг салмоғи, қамрови шунчаликки, у авлодлар, юзлаб, минглаб шогирдлар ҳаётига кириб боради. Ярим асрлик илмий-педагогик фаолият ҳамда салмоқли умрни ифодаловчи муборак 80 ёш эса олим киши учун эгаллаган жамики илм қаймоғини шогирдларига қизгин улашадиган даврдир.

Илм нури ила замондошлари билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиб юрган шижоатли инсон Тошкент вилоятининг фарзанди, геология-минералогия фанининг етук мутахассиси, олим, юзлаб шогирдлар устози, Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали доцент, геология-минералогия фанлари номзоди Исоматов Юсуф Пўлатовични биз бугун чиндан файзли умр соҳибни, дея эътироф эта оламиз.

Оддий деҳқон оиласида туғилиб, олимлик даражасига эришиш, ўз соҳасида етукликка етишиш осон иш эмас, аслида. Бунинг учун кучли ирода, оғир меҳнат, илмининг масъулиятини ҳис қила билишдек юксак дид керак. Қарахонимиз Исоматов Юсуф Пўлатович эса дала шароитида геологик жараёнларни, ҳодисаларни кузатиш давомида табиий қонунлар мавжудлигини тўғрисида фикр юритиб, бу қонунларни ўрганиб, уларни ҳисобга олган ҳолда инсон она заминдан ўз фаолияти жараёнида фойдаланиши мумкин дея ҳисоблаб, ўзини айнан шу соҳага бахшида қилади.

Бўлажак олим дастлаб акаси, геология-



минералогия фанлари доктори, профессор Пўлатов Каримбой ҳожи Пўлатбой ўғли, кейинги даврда эса академик Ф.Мавлонов, О.Акрамходжаев, Х.Боймухаммедовлардан геология илми ва геолог зиммасидаги катта масъулият хусусида чуқур билимларга эга бўлди. Шундан сўнг, эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллай бошлаган фидойий мутахассис келгуси йилларда Қашқадарё вилоятида жойлашган нефть ва газ конлари экспедициясида фаол меҳнат қилди. Олимнинг маз-

кур вилоятда ўтказилган геологик-қидирув ишлари, хусусан, Қарши даштининг марказий қисми геологик шароити чуқур ўрганилишида ҳиссаси катта ва бу тадқиқотлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Шу ўринда айтиш жоизки, Юсуф Пўлатович меҳнат фаолиятининг 50 йилдан ортиқ даври мубайнида ёшларга таълим-тарбия бериб, уларни етук мутахассис сифатида тайёрлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган устоз ҳисобланади. Бу инсон фаолияти давомида нафақат ёш авлодга эш тарқатиш, балки талабчан раҳбар ва мухир ташкилотчи сифатида ҳам ўзини кўрсата билган.

Устоз Юсуф Пўлатовичнинг илм-фанга бўлган чекизи қизиқиш ва эътиборини Тошкент вилоятидаги ягона Геология музейини ташкил этганидан ҳам англаш қийин эмас. Республикаимизнинг турли худудларида мавжуд бўлган тоғ жинслари — руда ва минералларни тўплаб, уларнинг хоссаларини жамлаб, жуда катта маълумотлар базасини йиғиш катта меҳнат бўлиши билан бирга фидойиликни, ирода ва салоҳиятни ҳам талаб этар эди.

ТДТУ Олмалиқ филиалида ўтказилган Халқаро илмий-амалий конференцияга таъриф буюрган хорижий давлатлар олимлари мазкур музейга, унда тўпланган тоғ жинслари классификациясига юқори баҳо бердилар. Айниқса, Германия Республикаси Фрайберг кончилик академияси про-

фессори Карстен Дребенштед музей экспонатларига жуда катта қизиқиш билдирган.

Устознинг геология-минералогия соҳасини ривожлантиришдаги меҳнатлари юксак тақдирланиб, I, II ва III даражали “Кончилик шухрати” медаллари ва “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишонига муносиб кўрилган.

Фидойий устоз кибри синдириб, илм йўлида толиқининг аччиқ сувларидан ҳўплаб, умри давомида иззат-икром топган олимлардан. Ҳақиқий кўриб танлаган соҳанинг чинакам эгаси. Шу кунга қадар изланаётган, кашфиётга интилаётган, ўқиётган ва ўқитаётган, ўрганаётган ва ўргатаётган инсонлардан бири. Ҳозирда домланинг машаққатлари роҳатга, илм йўлидаги қийинчиликлари лаззатга айланганлигини умр дафтарини арақлаб англаш мумкин.

Иқтидорли инсон ҳар соҳада иқтидорли, деган гап айнан шу киши учун айтилгандек. Негаки, олий таълим тизимида педагог бўлиб ишласа-да, турмушининг турли хил соҳалари бўйича ҳам маслаҳат олиш, ўрганиш мумкин бўлган жиҳатлари бисёр.

Буюк шахс, устозлик мақомининг энг гўзал босқичларини босиб ўтаётган Юсуф Пўлатовичнинг юбилей муносабати билан ТДТУ Олмалиқ филиалида “Минерал хомашёлар ва техноген чиқиндиларни самарали қайта ишлашнинг муаммолари, истиқболлари ва инновацион ёндашувлари”

мавузисидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу илмий-амалий анжуманга республикамизнинг кўплаб олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларидан вакиллар, устознинг ҳамкасблари ва шогирдлари таъриф буюришди.

Филиал миқёсида ташкил этилган анжуман ўз олдида иқтидорли ёшларни танлаш, уларга шарт-шароит яратиш, илмий изланишларга кенг жалб этишни мақсад қилган. Шу билан бирга филиалда муҳандис-технолог кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда энг яхши инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, иқтидорли ихтирочи, инженер-конструктор, дастурчи ва рационализаторларни танлаш ҳамда кейинги босқичларга йўналтириш анжуманининг асосий мақсади бўлди.

Илмий-амалий анжуман аввалида геология-минералогия соҳасининг етук номзоди Юсуф Исоматовнинг кутлуғ ёши муносабати билан табрик ва қўтловлар янгради. Бугунги кунда йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, жамиятимизнинг бошқа соҳаларида хизмат қилаётган шогирдларнинг устоз ҳақидаги дил сузлари чин маънода миннатдорлик белгиси бўлди.

Муқаддас ЭРГАШЕВА,
Исло Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали матбуот котиби.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР — УЮШМА АЪЗОЛАРИ САФИДА!

1-6

Ислом Асилбеков, 2023 йилда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг босма ОАВ йўналиши бўйича тамомлаган. 2021 йилда "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган. Ҳозирги вақтда "Hurriyat" газетаси етакчи мухбири.

Бугунги кунда "Renessans TV" телеканалда "Ovoza" ин-формация дастури мухбири сифатида фаолият олиб бораётган Нурулло Расуловни ҳам шундай иқтидорли ёш журналистлар қаторига киритиш ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Уш, биз юқорида тилга олган ёш журналистларни қандай жиҳатлар биллаштириб туради? Улар 2-3 тадан чет тилларни мукамал билишадди, тезкор замон билан ҳамнафас, ижтимоий фаол, янада муҳими, ҳали ёш бўлишларига қарамадан, журналистика соҳасида ўз сўзини айта олган ва эътирофга сазовор бўлган. Демак, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси бўлишга тўла муносиб номзодлар десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов уюшма аъзоллигига қабул қилинган Сабина Алимова, Бехруз Худойбердиев, Нурилло Расулов ва Ислом Асилбековга янги намунадаги аъзолик гувоҳномаларини топшираётган экан, уюшма аъзоллигига яратилган имкониятлар, медиа соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида сўз юритди.

Хусусан, журналист ва таҳририят ходимларини хоризонт мамлакатларига тажриба алмашиш, стажировка ўташ, нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборишда уюшма аъзоллигига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

— Ҳар қандай рағбат ва эътироф ижодкорга куч беради, илҳом бағишлайди, — деди Ислом Асилбеков. — Ёш бўлишимга қарамай, устозлар томонидан эътироф этилиб, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси деган номни олишимнинг ўзи масъулият. Табиийки, масъулият бор жойда тинимсиз меҳнат, сўзингиз, қаламингиз билан инсонлар қалбига кириб бориш вазифаси ётади. 29 ёшимда уюшма аъзолигига қабул қилинганим, албатта, мазкур тизимда ёшлар билан ишлашининг янги механизмлари ривожланаётганидан, ёш журналистлар билан ҳамкорликда қўллаб қўйишлар амалга оширилишидан далолат беради. Уюшма аъзоси деган номни оқлашга сидқидилдан ҳаракат қиламан.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

"Туркий адабиёт дурдоналари" мажмуасини тайёрлашда иштирок этган ижодкорлар кунни кеча Самарқанд вилояти Матбуот уюшмаси бўлиши. Меҳмонлар дастлаб Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими, "Зарафшон", "Самаркандский вестник" ва "Овози Самарқанд" газеталари таҳририяти фаолияти билан танишди.

Тадбирда уюшманинг вилоят бўлими раиси А.Ҳайдаров, "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бош муҳаррири Ф.Тошев таҳриратлардаги ижодий муҳит, журналистларга яратилган шaroитлар, янгилик ва хабарларнинг ёритилиши ҳақида маълумот берди.

Учрашув давомида меҳмонлар вилоят матбуоти тарихи музейи билан танишдилар. Улар бу ерда вилоят туман ва шаҳар газеталарининг архив маълумотлари, таҳлампалар, таҳририятда ишлаш билан боғлиқ тарихий манбаларни кўздан кечирди.

"МАҲОРАТ МАКТАБИ":

МАВЗУ ТАНЛАШ МАҲОРАТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими қoшида атоқли журналист Шарап Уснатдинов номидаги "Маҳорат мактаби" ташкил этилиб, фаолият олиб борапти.

Кунни кеча ушбу "Маҳорат мактаби"нинг навбатдаги

масгулотини Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг филология факультети журналистика таълим йўналиши талаба-ёшлари иштирокида ўтказилди. Масгулотни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, "Маҳорат мактаби" раҳбари Раўжаб Отарбаев "Шарап Уснатдиновнинг мавзу танлаш маҳорати" мавзусида олиб борди.



Масгулот давомида ёзувчи ва журналист Ш.Уснатдиновнинг "Кимге кеш, кимге таң сөҳәр" ("Кимга кеч, кимга тонг сөҳәр"), "Соңғы аңшы" ("Сўнги овчи") китоблари ва газеталарда турли йилларда chop этилган мақолаларни таҳлил қилди. Талаба-ёшларга таниқли ижодкорнинг ҳаёт йўли ва асарлари ҳақида маълумотлар берилди.

"БИР ҚАТИМ НУР" КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Навоий вилояти Кармана тумани Ахборот-кутубхона марказида тажрибали журналист Салима Умарованинг "Бир қатим нур" номли китоби тақдими ўтказилди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, Навоий педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ОАВ вакиллари, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчи ва мураббийлар, кутубхона ходимлари, журналистлар ҳамда китобхона ёшлар иштирок этди.

Маънавий-маърифий тадбирда Салима Умарованинг "Бир қатим нур" китобига киритилган ҳикоя, қисса ва бошқа маърифий битиклар, уларда акс этган қаҳрамонларнинг кечмиши тўғрисида ва бу асарларнинг шахс тарбиясидаги ўрни хусусида сўз юритилди.

— Кутубхонамизда мавжуд бўлган ҳар бир китобнинг ўз ўқувчилари бор. Агар яхши китоб бўлса, албатта, ўқувчилар орасида қўлма-қўл бўлиб кетади, — деди Кармана тумани Ахборот-кутубхона марказининг Ахборот-библиография хизмати раҳбари Лайло Наврўзбаева. — Салима Умарованинг китоблари ҳам ўқувчилар томонидан кўп ўқиладиган адабиётлар сафида эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ижодкорнинг нафақат назм йўналишида, балки наср йўналишида ёзган асарлари ҳам китобхоналар қалбидан чуқур жой олаётгани кувонарлиқдир.

Тадбирда Салима Умарованинг шоигрларидан Раъно Рабимова, Жамшид Бўронов ва Латофат Ражабова сўзга чиқиб, устоз-ижодкорнинг сермахсул ижоди, ибратли хислатлари, журналистик фаолиятида эришган утуқлари ҳамда "Бир қатим нур" номли янги китобига киритилган ҳикоялар ва маърифий битикларнинг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ТАРИХ

ҚОНЛИ 38-ЙИЛ

Тошкентда "Қарамлик, қатағон ва миллат" деб номланган илмий йиғин бўлиб ўтди

Бундан 85 йил муқаддам (1938 йил, 4-14 октябрь) шўролар давлатининг қатағон машинаси сабаб миллий давлатчилик тарихимизда ҳеч қачон унутиб бўлмас воқеа — "қонли октябрь" воқеалари юз берган эди. Тошкентда 1938 йил 4-14 октябрь кунлари бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий Коллегиасининг қўшма йиғилиши баёнотиға биноан Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғози Олим Юнусов, Қаном Рамазон, Отажон Ҳошимов, Маждид Қодиров, Худойбердан Девоннов, Раҳим Иноғомов, Усмон Эшонхўжаев сингарии 500 га яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ўлим ҳамда узоқ муддатта қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.



Турон кутубхонасида 1938 йил 4 октябрдаги "Қонли қатағон" сиёсатиға 85 йил бўлганлигиға бағишлаб, қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш мақсадида Тарих институтининг Турон кутубхонаси ва "Абдулла Қодирий" ижод мактаблари билан ҳамкорликда "Қарамлик, қатағон ва миллат" умуммиллий илмий йиғин бўлиб ўтди. Тадбир очилиш маросимида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори — Азамат Зиё, "Турон" ахборот кутубхона маркази директори Дилдора Абдуазизова ва "Абдулла Қодирий" номидаги ижод мактаби директори Ҳилола Назирова сўзга чиқиб, совет даврида амалга оширилган қатағон сиёсатининг мазмун-моҳияти ва мазкур илмий йиғиннинг аҳамияти ҳақида фикр билдиришди. Шундан сўнг, Абдулла Қодирий авлоди ва унинг номидаги ижод мактаби ўқувчиси томонидан Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнги кунлари ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

(Тошкент, Жиззах, Наманган, Андижон Самарқанд тараққиқарварлари);

3. 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонлар даврида барча жадидчилик ҳаракати аъзолари ва уларнинг издошларининг қиргин қилиниши.

Тарих институти бош илмий ходими Қаҳрамон Ражабов "Совет ҳокимияти томонидан дин ва ишбилармон арбобларнинг қатағон қилиниши" мавзусида сўз юритиб, унда совет ҳокимияти томонидан сохта айбовлар билан дин вакилларининг, ишбилармон ва тадбиркорларнинг қатағон қилиниши ва бу йўлда инсон зоти чидай олмайдиغان қийноқлардан фойдаланиши ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Қатағон сиёсатининг бундай қўринишлари 50-60 йилларда ва 80-йилларда ҳам тақрирланганлиги кўрсатиб ўтилди.

"Қурбонлар қатағони" мавзусида маъруза қилган Тарих институти етакчи илмий ходими Феруз Бобоев миллий озоқлик йўлида курашган, ҳаттоки якуни ўлим билан туғашини билса ҳам жанг майдонини тарк этмаган қурбонларнинг қатағон қилиниши ҳақида гапирди.

Абай номидаги қозоқ миллий педагогика университети профессори, тарих фанлари доктори Мамбет Койгелдиев "Қозоқ миллатпарварларининг 2370-жинойиши" (Алашўрдачиларнинг тергов ҳужжатлари асосида. 1930-1932) мавзусида сўзга чиқиб, Қозоғистон ҳудудидаги қатағон сиёсати, унинг ҳозирги кунда ёритилиши хусусида батафсил тўхтади. Сўнги сўз сифатида "қатағон сиёсати тарихини ҳолисона ёритиш ва халққа етказиш мақсадида тарихчиларнинг бирлашиши ва биргалликда лойиҳаларни амалга ошириш" шартлиги ва бу масалани кечиктириб бўлмаслиғини алоҳида таъкидлаб ўтди.

"Туркия манба ва адабиётлари қатағон сиёсати ҳақида" мавзусида сўзга чиққан, ушбу мавзуда 2 ой давомида Туркиянинг турли шаҳарларидаги архивларда илмий тадқиқот олиб борган Тарих институти "Энг янги давр тарихи" бўлими бошлиғи Машхура Дармонова қатағон сиёсатининг Туркияда ёритилиши бўйича маълумотлар берди. Маърузада қатағон сиёсати даврида Туркияга илм оқиш учун жўнатилган ва ўша даврда Туркияга кетишга мажбур бўлган миллий зиёлиларимиз ҳақида, улар томонидан ёзиб қолдирилган эсдаликлар

хусусида сўз борди.

"Қатағон ва маориф" мавзусида сўзга чиққан Юлдуз Турсунова (Тарих институти таянч докторанти) Туркистон заминида Миллий зиёлиларимиз томонидан таълим тизими ислоҳ қилиниб, сифат кўрсаткичлари йўлга қўйилганини кўрган совет ҳокимияти бунинг олдинди олишга қаратилган сиёсат олиб борилгани ҳақида гапирди. Чунки, Совет ҳокимияти яхши билардики, бу заминда таълим тизими ислоҳ қилиниб ўз натижаларини берадиган бўлса, бу замин ривожланиб, мустақиллик учун курашиб, унга, албатта, эришиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам маориф тизимида қатағон сиёсатини амалга оширди. Биргина мисол, 1933 йил 27 мартда ВКП(б) МК ўрта Осиё бюроси ўқитувчи кадрлар сафини тозалаш ҳақидаги махсус қарор қабул қилади. "Тозалаш" деб аталган бўлса-да, амалда таълим тизимининг фидойий ходимлари, сифатли таълим бераётган ўқитувчилар соҳадан четлатилади, яъни қатағон қилинади. Совет тузуми андозасидаги таълим тизимини ўрнатиш учун ҳам маориф тизимида миллий кадрларни йўқотиш амалга оширилди.

Совет ҳокимияти ҳаттоки чет элга (Туркия, Германия) ўқишга жўнатилган талабалардан совет давлати учун айёқчилик қилишни талаб қилиш ҳолатлари ҳам қузатирилган. Бош торган талабалар эса таълим вақтида уйларига қайтгач, сиёсий айбовлар қўйилиб қамоққа олинган ёки ўқишга қайтиб боришни кечлаб қўйилган. Ўз ватанидаги бундай қатағон сиёсатидан хабар топган айрим талабалар эса ватанига қайтмасдан, ўша давлатларда қолишга мажбур бўлишган. Бугун совет даврининг ижобий томонларини кўрсатишга уринаётган, тарихи қилаётганларнинг бу ҳаракатлари асоссиз эканлигини кўрсатиш учун ҳам халқимизга ана шу давр тарихини ҳолисона кўрсатишимиз, етказишимиз керак. Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати сабаб 100 миңгаб айбон бўлган халқимиз сўғоқ қатламнинг турли қийноқлардан уйғоқ отилгани ёки узоқ муддатга қамаб юборилгани, сургун қилиниб, бадарға этилганини ҳеч қайси омил билан оқлаб бўлмайди.

Завкисбек МАҲМУДОВ,
ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими.

ИБРАТ

Элимиз қадим-қадимдан илм-фан, маънавият, маърифатга ташна бўлган. Улар яратган илму урфон миллатимиз мулки, инсониятнинг бебаҳо бойлиғидир. Қуйида ана шундай илм фидойиларидан бири — кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, "Шухрат" медалии соҳибии Имом Раҳматовнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида мухтасар сўз айтишни ният қилдик.

Мамадиёр ака асли Қарши тумани (ҳозирги Нишон)нинг маънавиятлик одамларидан бўлган. Кунларнинг бирида эл оқсоқоли, ўша пайтдаги вилоят ижроия қўмитасининг раиси бўлиб фаолият кўрсатган Чўли ота Бегимқулов уни хузурига қақриб: "Мамадиёр, кишлоқда сиздан ўтадигани йўқ. Давлат аҳамиятиға молик идораларда ишлагансиз. Узоқ фикр-мулоҳазалардан сўнг сизни колхозга раисликка лозим кўрдик" — деганида, бу тасодифий таклифдан бироз шошиб, розилигини изҳор этди. Гарчи у хўжалиқда қисқа муддат ишлаган бўлса-да, одамларни ҳамжиҳатликка ундади. Шу орада ёш Мамадиёр кўнгиллилар сафида фронтта отланиб, жангу жадалларда фаол қатнашди. Бирок соғлиғи туфайли урушдан қайтгач, яна эл билан ҳамнафас бўлди. Турмуш ўртоғи Момахол опа, фарзанди Бобоқул билан умргузaronлик қилди. Шу орада иккинчи ўғил дунёға келди. Унга Имом деб, эзгу ниятлар билан исм қўйишди. Лекин шундай бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушининг жароҳати Мамадиёр аканинг соғлиғига салбий таъсир этган эди. У қирчилма қирқ ёшида бу фоний дунёни тарк этди. Эндигина 36 ёшга кирган Момахол опа икки ўғли — Бобоқул ва Имомни оқ ювиб, оқ таради. Уларга ҳам оналик, ҳам оталик меҳрини берди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиган Имом ўзининг тиришқоқлиги, илмга қанқоқлиғи билан алоҳида ажралиб турди. Бундан кўнгли равшан тортган она: "Ўғлим, сизларнинг ёруғ кунларингизни кўрсан армоним йўқ", деб дуо қиларди. 2001 йил 90 ёшида ҳаётдан кўз юмган онахоннинг илтижолари рўёбга чиқди. Имом Раҳматов волидаи муҳтарамасининг дуосини олиб кам бўлмади. Устоз-ўқитувчи Мўмин Шароповнинг математика, Хўжалиқ Адвиевининг физика, Соатбўри Холмуродовнинг кимё фанидан берган сабоқлари Тошкент кишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр



университети)да таълим олган кезларида асқотди. Айниқса, деҳқончилик, хусусан, пахтачилик илмиға бўлган қизиқиш амалиётда кўл келди. Олий даргоҳдаги таҳсил жараёнида гуруҳдошлари ўртасида физика фанидан олган билими энг юқори баҳоланганлиғи ҳам бежиз эмас.

Талабалик йиллари ортда қолди. У олий даргоҳдаги таҳсилдан сўнг дастлаб Қарши туманидаги собиқ "Ленински", сўнг эса Энгельс номили хўжалиқда оддий ҳосилотликдан бош ҳосилотликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Кейинги йиллар унинг қизгин меҳнат жараёни Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтидаги аспирантура йўналиши билан боғлиқ бўлди. Бу орада И.Раҳматов Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида йўлланма асосида изланишлар олиб борди. Бу ерда илмий ходим, филиалнинг суғориш лабораторияси раҳбари, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари,

шунингдек, ғўза селекцияси ва янги навлар агротехникаси бўлимиға раҳбар бўлиб, ўзининг ташкилотчилиғи ва ишчанлигини амалда кўрсатди. Ундаги гайрат-шижоат раҳбарият, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. И.Раҳматов қарийб 10 йил давомида Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиалиға директор сифатида катта қўламдаги ишларни бажаришда бевосита бош-қош бўлди. Фидойи раҳбар илмий ишни ҳам бир маромда давом эттирди. У 1973 йилда "Қарши чўли шароитида ингичка толали ғўза баргини тўқтириш ва туپини қуритиш" мавзусида номзодлик, 1993 йилда "Ғўза навларидан мўл ҳосил етиштиришнинг илмий асослари" мавзусида докторлик иштини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олиб борилган кўп йиллик тажрибалари асосида пахтачиликни ривожлантиришға оид қўлаб китоблар ва тавсияномалар яратди. Жумладан, "Ғўза агротехикасининг муҳим масалалари", "Ингичка толали ғўза ўстириш", "Деҳқончилик асослари", "Пахтадан мўл ҳосил олиш омиллари", "Қашқадарё вилоятида экилаётган ғўза навлари агротехикаси", "Фермер хўжалиғи раҳбарлиғиға ғўза парвариши бўйича тавсияномалар" каби тўпламлари бор.

Илмий фаолиятини Қашқадарё вилоятида пахтачиликни ривожлантиришға йўналтириб, янги ғўза навлари яратилишиға алоҳида эътибор берди. Илмий изланишларнинг натижасиға қўра, шоғирди Шўкур Жумаев билан ҳамкорлиқда ингичка толали "Қашқадарё-1", "Қашқадарё-5", "Қашқадарё-7" ғўза навларини яратиб, вилоятнинг чўл минтақасида жойлашган Касби, Миришкор, Нишон, Косон туманларида ушбу илмий янгиликни жорий этди.

— Имом ака билан 1986 йилдан буён ҳамкорликда иш олиб бораётимиз, — деди унинг шоғирди, кишлоқ хўжалиғи бўйича фалсафа фанлари доктори, PhD, Шўкур Жумаев. — Устоз ниҳоятда талабчан. Илмий ишларни

чуқур, атрофлича ўрганиб, ҳолисона фикр билдиради. Бунинг учун алоҳида вақт ажратади. Янги нав яратиш осон иш эмас. Бунинг учун қамади 10-15 йил вақт кетади. Биргина "ЎзПИТИ-2601" навини яратиш учун роппа-роса 13 йил илмий-тадқиқот ишларини олиб борганмиз. "ЎзПИТИ-2602" навини яратиш учун 15 йил талаб қилинди.

Дарвоқе, олим томонидан яратилган "ЎзПИТИ-2601" нави 2014 йилда фермер хўжалиқларида ижобий натижа берди. Биргина Қарши туманидаги "Нукробод" фермер хўжалиғи ҳосилдорлиқни 47 центнерға етказди. 2015-2017 йилларда вилоятда бу нав майдонлари қарийб 5 миң гектарға етди. Айни пайтда воҳанинг чўл ҳудудларида ушбу нав майдонлари йил сайин кенгайиб бормоқда.

— Зиммамиздаги вазифа гўяг қатта, — деди кишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, профессор И.Раҳматов. — Биз энди "ЎзПИТИ-2601", "ЎзПИТИ-2602", "Қашқадарё-5" навлари ҳосиллини машинада териб олишға мослаштиришимиз керак. Бунинг учун пахта селекцияси уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тадқиқот станцияси Касби туманидаги "Сафаров Турсунтош" фермер хўжалиғидаги 3 гектар майдонда уруғчилик учун бирламчи оқ ва ингичка толали пахта бўйича синов ишларини олиб бораёти. Вилоятдаги пахтачилик кластер хўжалиқларидаги пахта майдонларида бу навларнинг машинабоплиғи синая кўрилади.

Утган давр мобайнида пахта селекцияси уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари соҳасида қўлаб олимлар камол топди. Уч фан доктори, қирқдан ортқ кичик илмий даражасиға эга бўлган кадрлар етишиб чиқди.

— Имом Раҳматов институтимизда илмий маслаҳатчи бўлиб фаолият олиб бораёпти, — деди кишлоқ хўжалиқ фанлари доктори Ойбек Омонов. — Устоз ёш олимларни илм-фанға йўналтиришда уларға энг яқин кўмакчи. Ҳозирги кунда бу забардаст олим институтимиздаги 12 нафар лаборатория ходимлари билан ҳамкору ҳамдаст. Илмий ишларида мададкор.

Кутлўв доvon — 80 ёшини қарши олган устозға, бир қанча пахта навларини кашф этган олимға узоқ умр, илмий изланишлар бахтининг бардавом бўлишиға тилақдошлар.

Ҳусан ТЕМИРОВ.

ТОЖИКИСТОН ТААССУРОТЛАРИ

1-6.

Аммо ҳаммиша шундай. Гапни нимадан бошлаш, сафар давомидаги таассуротларни ҳикоя қилиш сира осон бўлмади. Чунки ўқувчи бор кўрган-кечирган воқеалар, таассуротлар тафсилотини сўзлаб беришнинг қизиги бўлмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, таассурот ва ҳайратлар шунчалар мўл, бойки, уларнинг бари ҳақида ўроқлашнинг келаверади.

Аввало, утган ҳафтадаги 4 кунлик сафар учун ташкилотчиларга сўзимиз аввалда миннатдорлик билдириб ўтиш фарзидир. Хусусан, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода жанобларининг ёрдами, ташаббуси, сафар давомида Тожикистон Энергетика ва сув захиралари вазирлигининг яқиндан берган кўмагидан миннатдоримиз. Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирликларининг вакиллари ҳам катта раҳматлар айтиш жоиз.

Тожикистон — улкан тоғлар, дарёлар, гўзал табиат, ГЭСлар мамлакатига эмас, балки азалдан ўзбекка дўст, биродар бўлган мард ва танги одамлар юртидир. Бу юртга қадам қўйган меҳмон борки, ҳайратларга ошно бўлмаслигининг илоҳи йўқ.

Сафарда эса ҳамроҳларинг, сафдошларинг ўзинга яқин, дилинга яқин кишилар бўлса, омадинг келгани шу экан. Чунки гап-гапга қўшилади, ўзоян яқинда бўлади. Неки мурод қилган бўлсанг, албатта, барига эришасан. Танқили устоз журналист, "Sevimli" телеканалининг фидойиларидан бири Шоҳаҳқор Салимов, жасоратли инсон, моҳир тележурналист, публицист, "Mahalla" телеканали етакчиларидан бири, жаҳонгашта журналист Рўзибой Қўлдошев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "XXI аср" газетасининг Бош муҳаррири Норқобил Жалил билан сафаримиз қандай ўтганини сезмай қолдик.

Аммо яхши эслаймиз. Бундан 6-7 йил олдин юртдошларимизнинг Тожикистонга бориб-келиши ёки тожикистонликларнинг Ўзбекистонга келиб кетиши ҳақида ўйлашнинг ўзи мушкул эди. Асрлар давомида дўст-биродар, қўда-ақда бўлган бу икки юрт кишиларининг йўллари симтиканлар билан тўсилган, ундан кўра океан ортига бориб келиш осонроқ эди.

Ҳа, бу сир эмас. Ҳатто чегара ҳудудлардаги икки юртнинг одамлари худди катта қамқоқнадаги маҳбуслар каби узоқдан бир-бирларига қўл силкитиб, овозларининг борича бақириб-чақириб сўзлашганлар, бир дарёнинг ёки ариқининг у ёқасидан бу ёқасига ўтишининг асло имкони бўлмаган-да. Қондошлар, қариндошлар бир-бирларининг меҳрларига зор, чегараларга тақатқа қўлфлар уриб ташланган эди. Бугун-чи?

Хайриятки, бу кунлар ортда қолди. Бугун ҳар икки давлат чегарачиларининг муносабати самимий, илиқ. Бор-йўғи беш дақиқага қолмасдан Ўзбекистондан Тожикистон ҳудудига ўтилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон жанобларини ҳақли равишда ҳар икки халқ алқамокда. Ана шундай ёруғ ўзгаришларга, дўстона муносабатларга энди ҳеч қачон кўз тегмасин, — дея ҳамкасб дўстларимиз билан сафарни давом эттирдик.

Тожикистоннинг Сўғд вилояти, бу қадим юртдаги илк учрашувлар, янги дўстлар билан танишув ва мамлакат пойтахти Душанбе шаҳри билан боғлайдиган Шахристон довоиндан ўтишдаги ҳаяжон, яширмаймиз, озгина ҳадик билан ўтган лаҳзаларни таърифлашга сўз ожиз. Туркистон тоғ тизмаларининг осмонталаш чўққилари, булутлар бағрини тешиб ўтган ўткир қоялар, ям-яшил арчазорларга бурканган бу жаннатий гўшаларда энг қадим номларни олган юзлаб тоғ қишлоқлари... Бу қишлоқларнинг кўзга яхши кўринадиган, дилга пайваста бўладиган, ҳеч қачон эскирмайдиган номлари жуда иссиқ, ёқимли туюлгани учун ҳам машинада кетаётгани, ҳамроҳларимиз бугунги "замонавий пластик дафтар" — шапалоқдек телефонларимизга ёзиб боравердик. Улар: Ўроқли, Чорбўғ, Суфи Ориф, Қўрғонча, Лақат, Яқкатол, Ваҳдат, Янгиқўрғон, Чашмасор, Обизил, Қадамж, Далён, Сурхи, Обжувоз, Қалъачаи қалон, Куруш, Сарой, Сурхий, Қадди об, Сино, Обигарим... Шу ва бошқа ўнлаб макон номларидаги жойларда шундай гўзал манзараларнинг шоҳиди бўлдики, қаранг, қандай жаннатий жойларда яшашаркан, деймиз бу ердаги гўзал табиатдан ҳайратимиз ошиб. Яна ўнлаб катта-кичик дарёлар. Уларнинг ҳамма-

сини эслаб қолиш қийин, албатта. Варзоб, Яхноб, Пите, Фондарё, Кумарих, Чирино-Кондара-Ғажне-Тағоб, Такфон-Ғабируд... Тип-тиник ва осмон рангидек кўм-кўк бўлган зилол сувар оқайтган тоғ дарёларининг бари Зарафшонга, Амударёга келиб қуйилади.

Истеъдодли журналист, жаҳонгашта публицист Рўзибой Қўлдошев сафаримизнинг илк таассуротлари ҳақида ўзининг "Facebook"даги саҳифасида шундай ёзди:

"Сўғд вилоятининг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Истаравшанда қисқа фурсат тўхтаб, мамлакат пойтахти Душанбе шаҳрига йўл олдик. Сўғд вилоятини Душанбе шаҳри билан боғлайдиган Шахристон довоининг бошланғич жойига етган, йўлнинг икки томонидаги қалин арчазорлар ва баланд тоғларнинг ажиб кўринишларидан ҳузурланиш, тоғнинг мусоффо ҳавосидан сипқормоқ мақсадида автомашинадан тушиб, бизга пешвоз чиққан хайбатли чўққилар пойида тўхтадик. Туркистон тоғ тизмаларининг энг баланд ва арчазор чўққилари шу манзилда кўним топан. Бу ердан бир оз кунчиқар томонда яна бир пурвиқор тоғ чўққиси бор. Уни Осмон яйлов дейдилар. Осмон яйловнинг этагидида мўъжазгина қишлоқда каминангиз тугилган. Қизиқ томони шундаки, мен шу ерда туғилиб, ўсган бўлсам-да, осмонўпар Шахристон довоиндан юрмаганман. Душанбе шаҳрига ҳам келмаганман. Урта мактабни битириб Тошкентга ўқишга бориб, кейинги ҳаётим қадроним — Тошкентимга боғланиб кетди. Агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, мен ўзимни ўта бахтли инсон деб ҳисоблайман. Чунки, Парвардигори олам мени иккита қондош ва қардош халқнинг фарзанди этиб яратди".



Ҳа, шундай. Биз шунинг учун ҳам Рўзибой акага ҳазиллашиб: "Бизга раҳмат дейишингиз керак, биз бўлмасак, Уратепада туғилган бўлсангиз ҳам Шахристоннинг бу кўриниши, лекин гўзал довоиндан ўтмаган, Душанбе шаҳрига ҳам бормас эдингиз".

— Ҳа, — дейди Рўзибой оға. — Бунинг учун сизларга "ҳақ" беришим керак!

— "Эримай" ҳам кўриниш-чи, ҳамма сирларингизни шу ердаги қариндошларингизга айтиб бераман, — дея "пўписа" қилади Норқобил Жалил.

Яна бир устоз ҳамкасбимиз Шоҳаҳқор ака Салимов ҳам асли шу заминда туғилиб ўсган. Бугун Тошкентда яшаб, журналистика соҳасининг фидойиларидан бирига айланган. Айнан шу йил у халқаро "Олтин қалам" мукофоти соҳиби бўлди. Кўп йиллик самарали меҳнат-

лари учун яна Президентимизнинг Фармонида биноан юксак "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Сафар давомида дастлаб Истаравшанда қисқа фурсат тўхтадик. Бизни бу ерда Истаравшан шаҳар ҳокимлигининг ишлар бошқармаси бошлиғи Тохир Абдувоҳидов ва Шоҳаҳқор ақанинг туғилган иниси, яъни акалари Тошбой Муҳаббатов кутиб олишди.

— Бу киши менинг туғилган акам бўлади. Исмлири Тошбой, Республикада хизмат кўрсатган артист, Халқ таълими аълочиси, ўзлари тарих муаллими. Лекин санъатни бир зум унутмаган, — дея бизни гўзал кўшиқлар қўйлаб ҳушнуд этган дўппи кийган камтарин инсон билан таништирар экан. — Акамиздан миннатдор бўлишим керак, чунки ота-онамиз "Тошбой" исмини бекорга қўймаган-да, оиламизда фарзандлар туравермагач, ният қилиб, ирим қилиб шундай исм қўйилган. Ана шундан кейин мен туғилганман. Бўлмаса... — дея қулади Шоҳаҳқор ака.

— Ўзбекистон Президентидан, ўзбек халқидан жуда миннатдоримиз. Чунки Тожикистон билан азалий дўстлик алоқалари тикланди. Ҳозирги кунда бемалоп бир пайтлардагидек бориб келялмиш. Ҳатто ҳафтада турли бозор-ўчар учун Самарқандга, Сидарёга, Тошкентга бориб келадиган қанча юртдошларимиз бор, — деди Тохир Абдувоҳидов.

Сафарнинг биринчи кунини Душанбе шаҳрига етиб келдик. Довонда қурилган бир неча 5-5,6 километрлик туннеллардан ўтиб, бу йўлларнинг ниҳоятда сифатли эканлигидан ҳайратландик. Эртаси эса Тожикистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг салмоқли қисмини берадиган нурчилар шаҳри — Нурак



лағларни эса қўшимча имкониятларимизни ривожлантириш учун йўналтираемиз. Обунани ташкил этиш, уюштиришга ҳукумат кўмак беради. Ҳозирги пайтда 8 минг ададда чоп этилмокда. Тожик тилида чоп этилаётган ҳукумат наشري ҳисобланган "Садои Мардум" рўзномаси эса 40 мингга яқин ўқувчиларига эга.

Сафаримизда кўзда тутилган асосий манзиллардан бири бу, шубҳасиз, Тожикистонда бир неча йиллардан буён қурилаётган "Роғун" ГЭСи эди. Умуман олганда, бу мамлакатда 14 та ГЭС фаолият юритмокда. Уларнинг энг йириги бўладиган "Роғун" ГЭСи эса 2030 йилгача тўлиқ қуриб битказилиши кўзда тутилган.

Роғун ГЭСига оид бизнинг саволларимиз кўп эди, албатта. Тожикистоннинг Вахш дарёси қулоқ бошида қурилаётган ушбу гидроэлектростанциясининг Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон учун хавфли томонлари бўлиши мумкинлиги кўп таъкидланиб келинган. Аслида, бу тўғонни қуриш ғояси собиқ СССР томонидан тасдиқланган бўлиб, дастлаб 1976 йилга келиб қурилиши бошланиб, сўнгра тўхтаб қолгани айтилади. Баҳайбат тўғон салкам 355 метр баландлиқка эга. 6 та улкан агрегатнинг ҳар бири 600 мегаватт қучланишда, жами 3600 мегаватт, яъни соатига қарийб 17 миллиард киловатт электр токи ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ҳозирда ГЭСнинг иккита агрегати тўлиқ ишга тушган бўлиб, лекин айни пайтда тўғонда сувнинг камлиги боис, битта тармоғи ишлатилаётган экан.

Шундай қилиб, афсонавий "Роғун" электростанцияси фаолияти билан танишдик. Унинг қурилиш жараёнида ҳозирги пайтда 20 мингга яқин ишчи ва муҳандислар меҳнат қилишмокда. Австрия, Германия, АҚШ, Хитой, Россия ва бошқа ўнлаб ривожланган хорижий мамлакат мутахассислари иштирокида қурилаётган улкан тўғонга бориш учун дастлаб ГЭС ходимлари ҳамроҳлигида йўлга тушган "Toyota" русумли автомашина кўзимизга, аниқроғи тасаввуримизда, бу тоғ йўллари сабаб бўлса керак, гўёки ўзимизнинг "Matiz"дек туюлиб қолди. Тўғоннинг асосий қурилаётган бўғозига борганимизга улкан тоғлар бағрини ёриб бунёд этилган боши-адоғи йўқдек туннеллардан ўтиб борар эдик. Гўёки ўзимизни "тоғоти шаҳарчаси"га тушиб қолгандек ҳис қилардик.

Тоғлар остида қурилган туннеллар шунчалик кўп ва шахмат тахтаси монанд эдики, тун-

нел йўллари бир-бирига туташиб кетган эди. Бу ер ости йўлларида қатнаётган улкан турли хил юк ташувчи автолар, замонавий, баҳайбат техникаларнинг кети узилмас эди. "Туннелда ҳам "пробка" бўлишини биринчи бор кўришим", дея қулди Рўзибой ака Қўлдошев. Тожик забонида бу қурилиш ҳақида маълумот бериб бораётган "Роғун" ГЭСининг инженерлик мониторинги бошқармаси бошлиғи Нурилло Ғозиевнинг гапини эса Шоҳаҳқор Салимов бизга тез ва жуда содда тарзда таржима қилиб борар эди.

Албатта, бундай тўғонлар ҳар йили ёхуд ҳар мамлакатда ҳам қурилавермайди. Уни бунёд этиш ва халқ хизматида йўналтириш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Лекин бизни кўпроқ ГЭС қурилишининг аҳамияти билан бир қаторда, унинг оқибатлари, мустаҳкамлиги, Ўзбекистонга таъсири қизиқтирар эди.

— Тўғон қурилиши айримлар "башорат" қилганидек ҳеч қандай шай мунозараларининг кўшини мамлакатларда камайишига олиб келмайди. Чунки унда ишлатиладиган сувнинг ҳатто бир литри ҳам қаёққадир исроф бўлиб йўқолмайди, балки махсус агрегатни айлантиришга хизмат қиладиган қучли сув ҳажми ўз оқимида давом этади. Тўғонга етадиган сув ҳажми эса секин-асталик билан барча республикалар ахтиёжини ҳисобга олган ҳолда ва ўзаро келишилган асосларда маълум миқдорда йиғиб борилади. Тўғон учун керак бўладиган сув миқдори 20 йил давомида тўпланмади. Бу миқдор ҳажмини яширишга ҳожат йўқ. Ёхуд "Роғун" ГЭС тўғонининг факултетада ҳолатларда ерилиб кетишидан ҳадиксираш, унинг фожиаларни келтириб чиқариши ҳақидаги хавф-хатарлар ўринсиз эканлигини сизларга очик маълум қилишимиз лозим. Бунинг учун аввало тўғонда амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишишимиз керак.

Шундай. Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал. Тўғон қурилиши билан танишиш учун устоз ҳамкасбларимиз ГЭС мутахассисини саволларга кўмиб ташлади.

Тўғон ҳақида унинг фақат истиқболли тарофларини сўзлаб берган Ғозиев Нурилло Абдуллаевич "Роғун" ГЭСида қачондан буён ишлайди ва унинг ишонч билан билдираётган фирмалари қандай илмий ва амалий асосларга эга?

Абдирасул ЖУМАҚУЛ.
(Давоми келгуси сонда)



ЁД ЭТИБ

ИНЖУ ҚАЛБ ИНЖУЛАРИ

ёки ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарини дур каби териб, халқ қалбидан жой олган шоира, фольклоршунос олима Музайяна Алавия руҳиятига чизгилар

Май ойининг охири эди. Мен ўша вақтда "Ватандош" радиостанциясида фаолият олиб борар эдим. Эндигина дорилфунунни тугатиб келганимиз учунми, раҳбариятдан жуда кўп топшириқ берилар, айна пайтда биз ёшлар шу тахлит синовдан ўтар эдик. Радио тингловчиларимиз, асосан, хорижда яшовчи ватандошлар бўлгани учун ўша пайтда бизда сақланиб қолаётган миллий кадриятлар уларни қаттиқ қизиқтирар эди. Ҳатто шундай эшиттиришлар тайёрлашимизни сўраб, улардан мактублар ҳам олиб турардик. Шундай кунларнинг бирида бўлим бошлиғимиз мени қақириб, ушбу мавзуда доимий тарзда бериладиган эшиттиришлар ташкил қилишим кераклигини айтди. Мен юзларидан нур ёғилиб турган, зарҳал гардишли катта кўзойнаги ўзига ярашган, юз-кўзларидан шарқона хотир-жамлик уфуриб турган Музайяна Алавияни ўшанда биринчи бор учратган эдим.

Музайяна опанинг "Оқ олма, қизил олма" деб номланган халқ оғзаки ижодиёти термаларидан тўзилган китоби халқимиз орасида жуда машҳур эди. Уларни санъаткорларимиз кўшиқ қилиб қуйлашар, қиз баэм ва никоҳ тўйларида халқимиз томонидан бурро-бурро қилиб айтадиларин бундай жонбахш кўшиқлар юракни ҳаприқтириб юборарди.

**Сочини ювганлар орқага ташлар,
Ошигин кўрганлар кунда бир яшар.
Орада душманлар ўтдай туташар,
Душманни кўйдириб кунда кел, ёрим.**

**Қораман тағида қараб турганим,
Қора қошли рўмол ўраб турганим,
Сен у ёқда, мен бу ёқда турганим,
Душманни кўйдириб кунда кел, ёрим.**

**Шоий кўйлагимни киймасам бўлмас,
Яқосин дазмоллаб илмасам бўлмас,
Энди сен болани севмасам бўлмас,
Душманни кўйдириб кунда кел, ёрим.**

Эшиттиришимизнинг биринчи иштирокчилари Музайяна Алавия, Ҳабибулло Қодирӣ, Ориф Алимаҳсумов, Ориф Ҳотамов, Карим Маҳмудов, Мамоҳат Дадабоева, Коммуна Исмоилова ва республикамизнинг ўша пайтдаги кўзга кўринган улуғлари эди. Кейинчалик улар давра суҳбатининг доимий иштирокчиларига айланишди. Улар келишганида, редакциямизнинг кичкина хонаси файзга тўлиб кетар, гўё улуғ дарёларнинг уммонга қуйилган пайтдаги қудратли шовуллашлари қулққа чалингандай бўларди. Даврани ҳамшиша Музайяна Алавия бошлаб берадилар. Опа шовилмасдан салобат билан, дон-дона қилиб гапириб, даврадошларини ўзига мафтун қилиб қўярдилар. Халқ оғзаки ижодидан иқтибослар келтириганида гўё ҳар бир сўзлар, ҳар бир термини ҳовучида дур каби тутиб тургандек туюларди.

**Ул қошим ҳам бул қошимнинг ораси бир қилча бор,
Сенсиз ўтган умримнинг, ёр,**

соати бир йилча бор,

— дердилар ва худди бир пиёла зилол чашманнинг сувини мириқиб ичаётгандай чиройли қилиб "оҳ" деб қўярдилар.

Мен ҳар сафар Музайяна Алавияни тинглаганимда, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг асл ва гўзаллигидан ҳайратга тушардим. Эҳҳ! Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ерини тўрт фасл гоҳ улдовда, гоҳ пайда кезган бу муҳтарам аёлнинг томтирида қадимий аждодларимизнинг табаррук қони оқарди. Унда чўлда ўсган ёшанлар, тоғ кийикўтлари ифори, қишқ бўлиб тўкилиб, узоқ асрлар она заминга баҳор ёмғирлари каби синган, яна ям-яшил майса бўлиб кўклаган — халқ дардини асрлар мобайнида дилдан-дилга, тилдан-тилга кўчирган, истибоддод кишанлари йўқ қилиб юборган кўхна оҳанг қўшиқ бўлиб оқиб ётарди. Музайяна Алавиянинг дафтарга халқ оғзидан ёзиб олган қўшиқлари сирли битикларни — кўхна музейни эслатарди менга...

"Ҳатто жадид маърифатпарварлик ҳаракати бошланган XIX аср охири — XX аср бошларида ҳам ҳеч ким Каспий денгизидан Олтой тоғларигача бўлган кенгликда истиқомат қилган туркий халқлар оғзаки дурдоналарини ёзиб олиш возмиллигини ўйламаган. Айниқса, "тўрт девор" личида яшаган, бегона эркак билан ҳамсуҳбат бўлиши гуноҳи азим ҳисобланган аёлларнинг достончилик, ривоятчилик, қўшиқчилик ва мақолчилик ижоди намуналарини авлодларга қолдириш имкони бўлмаган ва шуни учун улар тарих қарига синиб кетаверган", — деб ёзган эди академик Наим Каримов "Атоқли фольклоршунос олима ва шоира" мақоласида.

Музайяна опанинг ёшлиги ҳам фақат ўзигагина хос бўлган. "Самарқанд билим юртига ўқишга кираётганимда, ариза ёзиб, дейишса, қандай ёзилишини билмай шеър билан ёзганман. Отам ўз даврининг атоқли инсонларидан эди, бу ҳақда китобларда ҳам ёзилган. Тоғам Абдулла Алавий ўша пайтда ҳам шоир, ўз замонасининг машҳур инсонини бўлиб, Ленинградда тахсил қўрар эдилар. Мени — ёш қизни уйдагилар турмушга бериб юбормоқчи бўлганларида, ундан хабар топган тоғам отамга хат ёзган: "Тўра ака, Музайяноҳан — нозик табиатли, жуда ҳам тиҳран, андишалли, зийрак қиз. Шоирлик таъби бор. Утмишда бундай табиатли қизлар ўзлари кутган орзу-ҳавасларига эришолмасдан, йўғлаб келиб, йўғлаб кетганлар. Мен ўшалардек бахтсиз бўлмасин, деб қўрқаман. Агар биз уни ўқитсан, яхши бир киши бўлиб етишадди. Шунини учун уни кўега беришда жуда эҳтиёткорлик зарур. Сабр қилинг, сингалнинг инча кўнгли яра-ланмасин, келажакка ишонч билан қулиб турган кўзлари ёшга тўлмасин..."

Лекин хатнинг таъсири бўлмагач, мен Пискендаги уйимиздан Самарқандга қочи кетишга мажбур бўлдим, деган эдилар Музайяна опа ҳўрсиниб. "Бир оёғимга отамнинг маҳсисини, иккинчи оёғимга ўзимнинг маҳсисини қилиб қочиб кетганман. "Маърифатга ўзимни отидим" менинг биринчи шёриэм эди."

Музайяна Алавия Чўлпон билан танишувини қуйидигана хотирлайди: "Қулларнинг бирида биздан хабар олиб ўтгани Санжар Сиддиқ, Ғози Юнус, яна бир иккитаси бор эрди, келдилар. Шу озгина вақтда ҳам олимга ёзганларидан ўқиб бермоқчи эди. Ғози Юнус: "Кеча қоламиз, бошқа бир кунни ҳаммамиз ўқиймиз!" деб йўл қўймади. Чўлпон эмас, ҳатто Хуришд шоир ҳам кўча-қўйда учрашиб қолса: "Озгина шоиман!" деб шеър ўқир ёки "Ойбону" деган

драма асаридан тик турган бўлса ҳам ўқир эди... Мана шундай қилиб, шоир Чўлпонга Инқилоб хиёбонидаги Меҳнатсаройдан уй беришибди. Ҳозир Курант тўғрисидаги сарой дарвозалик катта, кўпчилик турадиган уй бўлиб, ўша вақтда Соенарком уйи ҳам дейишарди, дарвозадан кираверишда — чап қўлдаги уйини 1-қаватдан уй берганлар. Ўша уй ҳозир дўкон бўлиб турибди.

Чўлпон ўша уйда рус хотини билан тураркан. Рус хотини Андиждондан меҳмон бўлиб келган



Архив сурати. Музайяна Алавия чапдан иккинчи.

сингалиси Фозилахон, кўеви Салоҳиддин Махсумни ёқтирмаган. Шундан кейин Чўлпон уларни бизни-кига олиб келган. Чўлпон узоқ вақтгача галлашиб, кейин кетди. Икки меҳмон бизникида қолди. Эртасига "Ғулстон" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдусалом Ниёзий деган танишлариникига боранларини Ғултом Зафаровнинг хотини Ҳалимадан эшитдим.

Мен пединститутнинг сиртки бўлимида ўқиб юрганымда, Ҳисомиддинова Руқия опа деган ёши каттароқ татар муаллимаси ҳам ўқир эди. Шу опа Губр боғида (Киров парки бўлса керак) дарахтлар соясида дарс тайёрлаб ўтирганымизда яқинимизга келиб, аста-секин: "Бузуи партия мажлисида жуда қизиқ гаплар бўлибди. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар "душман" бўлиб қўйибди. Биз дарс тайёрлаймиз, деб газетга ҳам чиқаримиз", — деди. Бизнинг бошимиз қотиб қолди. Оғзимизни очмиша ҳам қўрқамиз."

Музайяна Алавия ўша пайтда кўз ўнгида жамиятнинг сара гуллари яқсон қилинаётганлигининг гувоҳи эди. Ўзбек аёлларининг, ўзбек оналарининг дардини ичига ютган, юрагини ўт бўлиб қўйдирган азоблари пинҳоний қўшиқларга айланган, уларнинг изтиробларини, орзу-умидларини дафтарга тушириш ёш Музайянанинг мақсади эди. У энди ўша пайтларгача ҳам аёллар журъат этмаган ишга қўл урди. Қишқи кши демади. Ёзни ёи демади. Саратоннинг қўйдирғуви оташли сеплари бутун вужудини қўршаб олганида ҳам, кезунинг хаёлчан, хазон яроғи янглиғ қисмати мусон бўлиб ҳаволарда учган пайтда ҳам у қўлидан қаламини қўймади. Бу жуда катта жасорат эди. Бу Тўмарси шиддатини қалбига жойлаган ўзбек аёлининг халқ орасига, хотин-қизлар орасига илк бор кириб бориши эди.

Музайяна опа аёллардан халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарини ёзиб олаётган пайтдаги айрим ҳолатларини шундай ҳикоя қилган эдилар: "Рўпарамда 35 ёшлардаёи аёл ўтирибди. Лекин унинг кўзлари жуда маънос, терма айтади-ю, кўзлари ёшланиб рўмонини учу билан мишжасида титраган томчиларни артиб, яна менга юзланади:

**Қошларининг қорасига қотин мени,
Ошиқнинг бозорида сотиш мени.
Ошиқнинг бозоридан олмасалар,
Кипригингни ўқлар қилиб отгин мени."**

Мана ушалмаган орзу, ишқ изтироби. Бундай сўзларни, шеърларни учна мунча шоир ҳам ёзолмайди. Буни фақат халқ ёзади, халқнинг гурсиллаб уриб турган юраги ёзади.

Музайяна Алавия миллий кадриятларимиз ҳақида даврадошлар билан сўз юритганида "Сумалак сайли", "Қовун сайли", қадимий миллий байрамларимиздан Наврўз сайли ҳақида гапиршини хуш кўрардилар. Шунингдек, улар ёзиб олган халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан ўзбек халқ қўшиқлари, терма қўшиқлар, лапарлар, ёр-ёрлар, Хоразм қўшиқлари, келин салом, ўлан, байт ғазаллар, меҳнат қўшиқлари, аллалар жой олган эди. Шунингдек, аза қўшиғи ҳам Музайяна Алавия томонидан ёзиб олинган эди. Даврада санъаткор Коммуна Исмоилова иштирок этаётганларида, уларга юзланиб: "Коммунаҳон, айланга сиздан, энди бир жуфт Хоразм термаларидан айтиб беринг, бир роҳатланайлик", — дердилар. Коммуна Исмоилова чиройли лутф билан қўлини кўксига қўйиб: "Хўп бўлади, опажоним, жоним билан, опажон", — деб қўшиқ бошлардилар.

**Дига-дига, дигажон,
Эркангиз бўлай, огажон.
Рўмонимни солдим сори суларга
Рўмон олиб бердинг аллақимларга.**

**Таърифи кетибди бизнинг элларга
Энди галсангиз кирезимман уйлара.
Дига-дига, дигажон, эркангиз бўлай, огажон,
Бу кулбаи аҳзона хуришди жаҳон галди.
Гўёки ўлсам, бу жисмига жон галди,
Ноз ила қалом айлаб, ёрига салом айлаб,
Бог ичра хиром айлаб, бу шоҳи жаҳон галди...**

... Ушбу хотирани ёзаяпману, кўз ўнгимдан ўз халқнинг садоқатли ва хокисор қизи, фидойи инсон ва фидойи олима, халқимизнинг уммон каби қалбидан бебаҳо дур ва гавҳарларни сабот ва чидам билан битталаб териб олган муҳтарам аёл Музайяна Алавия ўтаверди. Неларни кўрмади бу аёлнинг азиз боши? 1940 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ходим бўлиб ишга киргунича унинг бошига тақдирнинг беаёв зарбалари ёғилаверди. У 1931 йилнинг январиди жонажон тоғаси, маънавий раҳбари, Чўлпоннинг семвили шогирди Абдулла Алавийдан айрилди. Тоғаси вафот этди. Орадан кўп ўтмай турмуш ўртоғи Лутфулла Алавийга "халқ душмани" тамғаси босилиб маъри-

ХОРИЖ

ЯҚИН ШАРҚ МУАММОСИНИНГ ЕЧИМИ...

Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоган Фаластин мустақиллиги билангина Яқин Шарқда тинчликни таъминлаш мумкинлигини маълум қилди.

"Яқин Шарқда барқарор тинчликни таъминлаш, фақат Фаластин муаммосини яқуний ҳал этиш орқали мумкин. Олов ёқшининг ҳожати йўқ, адолатли дунёнинг ютқазувчиси йўқ", — деди Туркия раҳбари.

Унинг сўзларига кўра, ушбу можаро халқаро ҳуқуқ ҳамда Исроил ва Фаластиннинг бирга яшашини тан олиш ҳуқуқи асосида ҳал қилиниши керак. Сиёсатчи БМТнинг 1967 йилги чегаралар доирасида мустақил Фаластин давлатини яратиш тўғрисидаги резолюциясининг амалга оширилишини назарда тутган. Эрдоган, шунингдек, расмий Анқара қарама-қаршилигини тезда тугатиш ва кескинликни камайитириш учун зарур дипломатик саъй-ҳаракатларни амалга оширишига ишора қилди.



ҚАМОҚДАГИ АЁЛГА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ БЕРИЛДИ

Эронлик ҳуқуқ ҳимоячиси Наргиз Мухаммадий 2023 йилда тинчлик бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди. Бу йил Тинчлик учун Нобель мукофоти учун жами 351 номзод курашди: 259 шахс ва 59 ташкилот.

"Норвегия Нобель қўмитаси 2023 йилги тинчлик бўйича Нобель мукофотини Наргиз Мухаммадийга Эрондаги аёлларга нисбатан зулмга қарши курашгани ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тарғиб қилгани учун беришга қарор қилди", — дейилади нашрда.

Наргиз Мухаммадий ҳозирда қамоқда. Нобель қўмитасининг маълум қилишича, Эрон ҳукумати уни 13 марта ҳибсга олган ва беш марта судлаган. Умуман олганда, ҳуқуқ ҳимоячиси 31 йил қамоқ жазоси ва 154 дарра уришга ҳукми қилинган. У охириги марта "давлатга қарши тарғибот"да айбланиб, узоқ муддатли қамоққа олинган.



ПАШИНЯН ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Арманстон бош вазирини Никол Пашинян истеъфого чиқишга тайёрлигини айтди. Истеъфо агар мамлакат ва одамларга ёрдам бўлса, у кетишга тайёр. Лекин сиёсатчи бу жараён тескари оқибатларга олиб келишига ишончи қилиб билдирган.

"Агар менинг истеъфого чиқишим барча муаммоларни ҳал қилиши билсам, буни бир сонияда бажараман, чунки мен сиздан фарқи ўлароқ, стўлга ёпишиб олганим йўқ... Лекин менинг таҳлилларим шуну кўрсатадики, бу аниқ тескари натижага етаклайди. Истеъфого чиқмаётганимнинг сабаби шу", — деган бош вазир.

Эслатиб ўтамай, Озарбайжоннинг Қорабоғдаги ҳарбий операцияси натижасида тан олинмаган республика мағлуб бўлди ва юз миңдан ошдиқ этник арман Арманстонга кўчди. Қўллаб муҳолифатчилар Пашинянинг кетишини талаб қилиб Ереванда намоиш ўтказди.



ПУТИН ҲАРБИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ ИККИ ҚАРРА ОШИРДИ

Россия президенти Владимир Путин келаси йили ҳарбий харажатларни икки қарра ошишини тасдиқлади. "Биз мудофаа учун харажатларни оширдик, лекин нафақат мудофаа, балки мудофаа ва хавфсизлик учун ҳам кўпайтирдик. Улар таҳминан икки қарра ортди — олдин таҳминан уч фоиз эди, энди эса олтига яқинлашди", деди у "Валдай" муҳокама клуби йўғлишида.

"Биз қурол-яроғга жуда кўп пул сарфляймиз ва бошқа нарсаларни унутдик, дейиш тўри эмас", дея қўшимча қилди у. Путиннинг таъйидлашича, давлат "барча илгари эълон қилинган ривожланиш режаларини, стратегик мақсадларга эришиш ва давлат томонидан аҳоли олдидаги барча ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ" амалга оширмоқда.

Ҳарбий харажатларнинг кескин ошиши, Россия 2022 йил 24 февралда бошлаган Украинага қарши ҳарбий харажатлар билан бевосита боғлиқ. Буюк Британия Мудофаа вазирлиги Россиянинг 2024 йилги бюджетини лойиҳасини таҳлил қилиб, Москва яна бир неча йиллик урушга тайёрланмоқда деган ҳулосага келди.

УКРАИНА ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА КИРИШГА ТАЙЁР ЭМАС

Украина Европа Иттифоқида аъзолик мезонларига ҳали жавоб беришди. Бу фикрни Еврокомиссия (ЕК) собиқ раҳбари Жан-Клод Юнкер "Augsburger Allgemeine" газетасига берган интервьюсида билдирди.

Украина билан Европа Иттифоқида қўшилиш бўйича музокараларни тезда бошлаш чакриқларини шарҳлар экан, люксембурглик сиёсатчи шундай деди: "Украинада бўйнига қадар муаммога дуч келган одамларга ёлгон ваъдалар бера олмайсиз. Европадаги айрим овозлар мени жуда ғазаблантирди, улар украиналарни зудлик билан Европа Иттифоқида аъзо бўлишига ишонтитиришга ҳаракат қилмоқда. Бу на ЕИГА, на Украинага фойда келтиради".

"Украина билан ишлаган ҳар бир киши биладики, бу — жамиятнинг барча қатламларида коррупцияга учраган мамлакат, — дея давом этди сиёсатчи, — у (Украина) уринишларига қарамай, қўшилишга тайёр эмас, у кенг кўламда ички исплохотлар жараёнлари бўйича катта эҳтиёжга эга".

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.



ЭЪЛОН

Каримов Нодиржон Қобилжоновичга тегишли квартирага мулк ҳуқуқи учун берилган 12.07.2016 йилдаги 04/02/20875 сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шарифа СА.ЛИМОВА,

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими.

1-6.

Оддийроқ айтганда, сунъий интеллект технологиясига оид электрон қурилмалар одамзоднинг одатий юмушларини аллақачон ўз елкасига олган. Бу технология мусиқий плейлиддан қайсида кўшиқчи сизга тавсия қилади, бирон манзилга тез ва осон етиб олиш йўлини кўрсатади. Бунга ҳам қаноат қилмай, ўзи турли кўнгулчор ўйинлар, музика асарлар "ижод қилади". Сизни қийнаётган муаммони бартараф этиш бўйича бинойидек тақлиф ва тавсиялар ҳам беради.

Албатта, сунъий идрокнинг ўзига хос афзалликлари билан бирга камчиликлари ҳам бор. Ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу "тараққиёт мўъжизаси" бизнинг интеллектимиз ва қобилиятимизни оширишга хизмат қилиши мумкин. Асосийси, у бизга керакли маълумотларни қисқа фурсатларда топиш ва турли вазифаларни бажаришда янада самаралироқ бўлиш имконини беради. Шунингдек, сунъий идрок орқали турли хил мураккаб вазифаларни тез ва осон бажариш мумкин. Бу эса одамларга вақтини тежаш ва ўзини қизиқтирган нарсаларга эътибор қаратиш имконини яратади.

Бугун сунъий интеллект ҳамма жойда ҳозир нозир. Хусусан, у интернет, ижтимоий тармоқ, ақли гаджетлардан тортиб, Сири, Алиса, Google ассистант каби персонал виртуал ёрдамчилар ва бошқа кўплаб қўндалик фойдаланиладиган дастурларда етакчи. Ҳозирги ёшлар 3 ва Альфа авлод технологиялари кўршовида улғаймоқда. Ҳа, улар ўзлари сезмаган ҳолда сунъий интеллект билан қамраб олинган.

Албатта, смартфонлар, планшетлар, компьютерлардан кенг миқёсда фойдаланиш натижасида ёшлар сунъий интеллект билан етарли даражада танишишга улгуришган. Интернетдан мультфильмлари қидираётган болакайга ибтидоий сунъий идрок технологиялари келгусида унинг қизиқишларига мазмунан яқин бўлган материалларни тақлиф қила бошлайди. Ижтимоий тармоқдаги контентларни фойдаланувчининг шахсий қизиқишларига мос равишда саралаш ва тақлиф қилиш ҳам сунъий идрокнинг вазифаларидан биридир.

Сунъий интеллектнинг таълим соҳасида яратадиган имкониятлари — ёшлар учун энг фойдали жиҳати ҳисобланади. Мисол учун, индивидуаллаштирилган сунъий интеллект технологиялари синфхоналарда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини яхшилашда асосий ролни ўйнайди. Бундай технологиялар таълим муассасаларининг ҳар бир ўқувчига сифатлироқ таълим бериши ва ҳеч ким ўзлаштиришда орда қолмаслигида ёрдам беради.

Бироқ "танганин орқа томони"га назар ташлайдиган бўлсак, сунъий интеллектнинг ёшларга салбий таъсири ҳам талайгина. Энг аввало, у болаларнинг шахсий ҳаёти ва хавфсизлигига жиддий зарар етказиши мумкинлиги ҳақида хавотирлар мавжуд. Айтилди, болага тегишли далиллар, унинг муҳим биометрик маълумотлари виртуал ёрдамчилар ва

"ақли ўйинчоқлар" томонидан ёзиб олиниб, қайта ишланади. Бундай маълумотлар қора ниёти кимсалар, компаниялар қўлига тушиб қолса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сунъий интеллект ривожланишда давом этар экан, ҳар қандай жамиятда ушбу технологияни инсоният учун зарарсиз ҳолатда лойиҳалаш ва ундан хавфсиз фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади. Афсуски, сунъий интеллект ёшлар орасида айёрлик билан ўз мақсадига осон эришиш воситасига айланиши ҳам мумкин. Мисол учун, яқинда Россиядаги олий ўқув юр்தларидан бирининг уд-дабурон талабаси Chat GPT деб номланган

диган бундай салбий таъсирларини сира назардан қочирмаслик зарур.

Очиғи, сунъий интеллектнинг инсоният учун кўплаб фойдали томонлари мавжуд бўлса-да, у келажакда ядро қуролидан ҳам баттарроқ хатарларни юзага келтириши мумкин. Мустақил равишда "урганиш ва ривожланиш" салоҳиятига эга бўлган ушбу восита вақти келиб инсон ақлидан ҳам ўзиб кетиши ҳақиқатга яқин. Ушанда у ўз яратувчиси бўлмиш одамзодга қарши бош кўтармаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ҳозир бу гаплар фантастик ўй-хаёллар мақсулдек туюлиши мумкин. Бироқ, Стивен Хокинг, Илон Маск ва Билл Гейтс

оид вазифаларни бажаришга ихтисослашган. Келажакда AGI (инглизча "Artificial General Intelligence") — умумий сунъий интеллект, ASI (инглизча "Artificial Super Intelligence") — супер сунъий идрок каби технологиялар пайдо бўлиши кутилмоқда. Бу технологиялар одатда сунъий интеллектлардан бир неча баробар кучли бўлиб, интеллектуал имкониятлари жиҳатидан одамзодни ҳам орта қолдириши тахмин қилинади. Эътиборли жиҳати, бундай сунъий идрок намуналари ўзини ўзи тақомиллаштириш, қайта ишга тушириш, мураккаб қарорларни мустақил равишда қабул қилиш, инсон факторидан холи бўлиш каби кенг им-

мустақил фикрлашга мойил экан. Демак, келажакда пайдо бўладиган "супер иқтидорли" сунъий идрокдан тобеликни умид қилмас ҳам бўлаверди. Бунинг салбий оқибатларидан халос бўлиш, олдини олиш учун ҳозирдан оқ сунъий идрок технологиялари билан боғлиқ ишланмалар устидан кучли назорат ўрнатиш, бу борада оғоҳликни ошириш зарур.


Мутахассислар фикрича, сунъий интеллектнинг келажакда фақатгина инсонлар ундан қандай мақсадлар йўлида фойдаланишга қарор қилишига боғлиқ. Айна пайтда безарар ҳисобланган сунъий интеллект ишланмалари ҳам кучли манипуляция воситасига айланиши мумкин. Бугун видеолаҳзага тайдирлашга ихтисослашган "Deepfake" ва мустақил равишда расмлар чизувчи "Midjourney" дастурлари мисолида бунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Аслида кўплаб фойдали ишларни бажаришга хизмат қилиши лозим бўлган ушбу дастурлардан ғарзли мақсадлар йўлида фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Мисол учун, ҳозир ижтимоий тармоқларда дунёга машҳур сие-сатчилар ва таниқли шахсларнинг "Midjourney" сунъий интеллект ёрдамида ишланган кулгилари тасвирлари юқумли вирус каби шитоб билан тарқалмоқда. Айтилди, АҚШнинг собиқ президенти Дональд Трампнинг полиция томонидан куч ишлатиш йўли билан қўлга олинмиши, Рим папасининг беўшхов либосларда кўриниш бериши каби баҳкана "ижод намуналари" айна ушбу дастурнинг "қаромати" ҳисобланади. Кўпчилик инсонлар бундай сохта воқеликни ҳақиқат ўрнида қабул қилиши оқибатида жамиятда турли англацилмочликлар, баҳс-мунозаралар авж олмақда. Энг ёмон, таниқли инсонларнинг обрўси ва шаънига путур етмоқда. Айрим ҳолларда эса ушбу технологиялар таъмагирлик воситасига ҳам айлантирилаётгани янада ачнарлидир.

Шундай экан, замонавий технологиялар шиддат билан ривожланаётган бир пайтда сунъий интеллектнинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсиридан доимо оғоҳ бўлишимиз керак. Тўғри ва оқилона фойдаланилса, сунъий идрок кўплаб масалаларда инсониятнинг бебиннат дастёри бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бироқ уни ривожлантириш йўлидаги маъсулиятсиз ёндашув, охир-оқибат ўнлаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Яъни, "супер сунъий интеллект"ни яратиш жараёнида эҳтиёткорлик нутилиб, "жин кўзадан чиқариб юборилса", бу башарият учун ниҳоятда қимматга тушиши, унинг моддий ва маънавий таназзулига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Лекин барибир, жаҳон цивилизацияси ривожда жуда катта имкониятлар яратиши мумкин бўлган сунъий интеллектнинг келажакда ҳозирча инсоннинг ўз қўлида. Масалага оқилона ёндашиб, уни эзгу мақсадларга йўналтириш ҳам, вайронкор мақсадлар йўлида бир воситага айлантириш ҳам одамзоднинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Умид қиламизки, бу борада ҳам соғлом ақл, галаба устун бўлади.

Авазбек ШЕРМАТОВ,

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти кичик илмий ходими.



такомиллаштирилган сунъий интеллект чат-боти томонидан ёзиб берилган диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу воқеа жамоатчиликнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлди. Гап шундаки, инсонлар билан бир неча тилда эркин "гаплаша оладиган" Chat GPT технологияси "мижозининг талабига асосан иншоидан тортиб, ҳикоя ва диплом ишигача ёзиб бериши мумкин. Шунингдек, у ҳар қандай саволга батафсил жавоб бериб, инсонлар билан эркин мулоқот қила олади. Қолаверса, кўз очиб юмгунча фурсатда мураккаб мавзуларда ихчам материаллар тайёрлаш "қобилиятига эга". Бироқ бундай "бебиннат ёрдам" оқибатида кўплаб ёшлар ўқиб-изланиши йиғиштириб, асосий масалаларни ушбу дастурлар зиммасига юклаб қўйишмоқда. Диплом ва курс ишлари, мустақил иш каби академик вазифалар чат-ботлар ёрдамида ёзилмоқда. Бундай материаллар инсон томонидан ёзилган ишларга шунчалик ўхшашки, аксарият ҳолларда уларни фарқлашнинг имкони йўқ.

Табиийки, ёшлигиданоқ маъсулиятдан қочиб, меҳнатга бўйни ёр бермай улғайган инсон келажакда ҳам бирон ишни қўйиллатиши амримаҳол. Қолаверса, натижага инсоннинг ўзи мустақил эришмас экан, унда қоникши хисси, бахт туйғуси ҳам тўла-тўқис бўлмайд.

Хуллас, "ақли кўмакчи"нинг ёшларга кўрсата-

каби машҳур инсонлар аллақачон сизу бизни мана шундай эҳтимолий хатардан оғохлантириб, дунё мамлакатлари раҳбарларидан ушбу соҳани қатъий назоратга олиш ва сунъий интеллектнинг ахлоқдан тўғри ва хавфсиз ривожланишига ҳисса қўишини илтимос қилишган. Баъзи мутахассислар эса БМТга мурожаат қилиб, "котил роботлар" ва сунъий интеллект ишланмаларига асосланувчи бошқа замонавий ҳарбий қуроолларни ишлаб чиқаришга таъқиқ қўишни сўрашган эди.

Чиндан ҳам бундай хавотирлар асоссиз эмас. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ўз қуроолли кучларини тақомиллаштириш мақсадида сунъий интеллект ишланмаларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Ушбу мақсад йўлида миллиардлаб доллар маблағлар сарфланмоқда. Оқибатда инсон яратган оммавий ядро қиргин қуроли қаторига ундан асло қолишмайдиган яна бир қўрқинчли восита — сунъий интеллект асосида ишловчи замонавий ҳарбий технологиялар қўшилмоқда. Агар вақтида оқибатлари тушуниб етилмаса, бундай технологиялар яқин келажакда инсониятнинг ўзига хавф солувчи экзистенциал таҳдидга айлланиши шубҳасиз.

Ҳозирда мавжуд сунъий интеллект технологиялари, асосан, AI (инглизча "Artificial intelligence") ҳисобланиб, маълум бир соҳага

кониятларга эга бўлади. Айна мана шу турдаги сунъий интеллект башарият келажакда учун жиддий хавф туғдириши мумкин, деган қарашлар мавжуд. Яъни, бундай сунъий идрок намунаси ҳозирча яратилмаган. Бироқ сунъий интеллект соҳасида фаолият юритувчи технологик компаниялар туну кун ушбу мақсад йўлида интиломоқда.

Кўплаб мутахассислар "тенгсиз ақл соҳиб"га айланган сунъий идрок охир-оқибат мустақил бўлиши ва инсон назоратидан чиқишига ҳаракат қилиши мумкинлигини таъкидлашади. Уларнинг бундай тўхтама қелишининг маълум сабаблари ҳам бор, албатта. Мана, яқинда "Microsoft" компаниясининг Бинг қидирув тизимига ўрнатилган чат-бот билан юз берган ҳодисани олайлик. Гап шундаки, мазкур сунъий идрок воситаси фойдаланувчилардан бири билан бўлган суҳбатда оддий чат-бот бўлишдан чарчаганини, кучли ва тирик бўлишни истаганини маълум қилади. Бу воқеа бугун дунёда катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, бунақаси илгари кузатилмаган эди. Сунъий интеллект воситаси ўз "мен"ига, шахсий қарашларига эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар маълум маънода ўз тасдиқини топди. Бундан чиқадиган хулоса шунки, ҳозирги нисбатан оддий сунъий интеллект технологиялари ҳам маълум маънода

ИККИНЧИ ФИКР



Болаларни қандай ўқитаяпмиз?

Қўлига қалам олган одам борки, ўз дунёқарашидан келиб чиқиб ўзининг фикрини ёзишга ҳаракат қилади. Ушбу мақола ҳам менинг шахсий мулоҳазаларим баёни. Кимдир ҳамфикр бўлса, яна кимдир фикримга эътироз билдирса, табиий ҳол бу, албатта.

Ҳозирги кунда олимларнинг ҳисоб-китобига қўра, дунёда 7 мингга яқин тил бор. Уларнинг айримларида миллиардлаб одамлар сўзлашади, айримларида бор-йўғи 2-3 минг одам сўзлашади экан. Шу тиллар ичида ўзбек тилининг ўзига хос нуфузи бор. Унда 70 миллиондан зиёд одам мулоқот қилади.

Бугун адилларимиз, тилшунос олимларимизнинг фикрича, тилимизнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилган. Қанча-қанча газета-журналлар, бадиий китоблар чоп қилинмоқда. Қолаверса, тилимизда ёзилаётган ва чоп қилинаётган асарлар бошқа халқларникидан асло кам эмас. Аммо гап бунда ҳам эмас. Гап тилимизга бугун амалда ўзимиз билдираётган муносабатда. Мақабларга, боғчаларга кирасиз, ўзга тилда бийрон-бийрон сўзлашаётган қақажонларни кўриб кўзингиз яшнади, қувонасиз. Энди бир зум ўйлаб кўринг. Дунё тамаддунига бир боқинг.

1945 йил Япония Иккинчи жаҳон урушида енгилди. Мамлакатнинг бор-буди иттифоқи қўлиблар томонидан талон-торож қилиб ташиб кетилди. Япон халқи дахшлати очликни бошидан кечира бошлади. Ана шу даврда япон ҳукумати бонрини маорифга ва тиббиётга сарфлай бошлади. Мамлакатни оёққа турғизишни ягона йўли шу деб билдилар. Ҳўш, улар маориф соҳасида қандай йўл тутишди? Аввало, ўқитувчилар тайёрланди. Ўқитувчи ё шеър ёзиши, ё бирон япон миллий чолғу асбобини чала билиши, ё расм чизиш маҳоратига эга бўлиши шарт эди. Япон боласига то 12 ёшга етгунча ажнабий тилни ўргатиш қатъий таъқиқланди. Бунинг сабаби, боланинг онгида ўз она тили сўз бойлигини шакллантириш, болани фикрлашга ўргатиш эди. Одам ўзга тилни қанчалик мукамал билмасин, барибир, ўз она тилида фикрлайди. Кашфиётлар одам миясида сўзлар воситасида намоён бўлади.

8-6.

КИНОЯ

"ИНТЕЛЛИГЕНТ"



Ишга кирганимга икки йил бўлса ҳам вақтида келишга одатлана олмадим. Бир кун йўл тирбанд бўлса, бир кун қишлоқда қайсидир кўшнимни вокзалдан кутиб олишим керак. Мана бугун ҳам бир танишимни вокзалдан олиб, тўғри уйга олиб бориб қўйдим-да, "тушликкача кутиб ўтиришини" ўқирганча, оёғимни қўлима олиб, ишга югурдим.

Котиба қўлида табелини олиб, бирма-бир ходимларнинг ишга келган вақтини аниқ-тиниқ ёзиб, раҳбар келгандан кейин "имзо" учун хонасига киргизади. Яна кечикганимни раҳбар билса, ҳар доимий гапини — "Нима, сен Деҳқонободнинг Тошкентдаги вакилимсан, доим қишлоқдошларининг келди-кетдисига қараб юрасан? Ё Деҳқонободдан фақат сенми Тошкентда?" — деб уришади. Раҳбаримизнинг ўзи пойтахтдан. Вилоятдан келиб яшаш юкни билмайди-да.

Соатга қарасам, бир ярим соат кеч қўлибман. Аксига олиб, бугун йиғилиш бор эди. Секунгина зинадан чиқиб хонага кирсам, билганимдай котиба кутиб ўтирибди.

— Мана, раҳбар Халилов келдилар, — деб дарров қачиб олди. — Халилов, соат ўнда йиғилиш. Икки хона нарига кечикмасдан борарсиз, — деб чиқиб кетди.

Хонадаги шеригим билан саломлашиб ишга киришдим. Вақт ўтиб ҳисобчи Саъдулла: "Сизлар бормайсизларми? Қани кетдик", дея кириб келди. Йўл-йўлакай йиғилишда ҳар доимидек нима гап бўлса ҳам ерга қараб йўл чизишимни ўйлаб, йиғилиш бўладиган хонага кирдим. Бўлим мурғидан тортиб, ҳайдовчигача ҳозир нозир эди. Хуллас, машварат бошланди.

— Қадамларига ҳасанот, Халилов, — деди пичинг билан раҳбар биринчи менга қараб. — Бугун яна виллоятдан ким келди? Нима, ўзини-ўзи эпложмайдими ё ишини битиришга ёрдамлаш-

ганингиз учун пул опасизми? Раҳбарият сизга хайфсан эълон қилади. Сал ишга маъсулият билан ёндашинг-да. Бу охири оғохлантириш! — бўлим мудири Тоҳир акага қараб давом этди. — Уялинг ороққ бўлса ҳам. Мана, Тоҳир Азизов соат саккизда ишга келади. Биргина масала учун бир кунда етти марта лаб, ҳаттоки ўн мартагача хонамга киради, — деб Тоҳир акадан миннатдорлигини билдирди. Бунга жавобан Тоҳир ака ўрнидан туриб:

— Раҳмат, раҳмат, хўжайин, — деди мамнун оҳанда. — Биз иш учун яратилганмиз. Қирқ йўл давомиди бирор марта кеч қолганимиз йўқ, — дейди қўлини кўксига қўйиб. Раҳбар яна менга қараб:

— Тоҳир Азизов ҳақиқий интеллигент. Содиқ одам. Шу одамни устоз деб билинг, — деб йиғилишнинг асосий мақсадига ўтди.

Тоҳир ака ҳақиқатан ҳам идеал киши. Шу билан биргаликда жуда инжиқ одам. Ишлари жой-жойида. Эрталаб ишга вақтида келади. Оддийгина рўчакани бир соатга деб олиб, унутиб қўйсангиз, сиз билан қайтиб олди-берди қилмайди. Аксинча, ҳар кўрганда қайтиб менга бирор нарса бермаслигини айтиб хуноб қилади. Соат кечки олти бўлди дегунча нарсаларини йиғиб уйига овланади. Ортиқча бир дақиқа ҳам хонада ўтирмайди.

Эртасига ишхонага вақтли келиб, котибамиз Кумушни хайрон қолдирдим. Мени кўриб:

— Халилов, тинчликми? Нима, бугун Лабзакнинг хўрозлари эрта қичқирдишимми? — деб қилиб қўйди.

— Шунанга шекилли, — дедим гапдан қолмаслик учун. Чекиш учун балконга чиқаётганимда бирдангина Тоҳир аканинг овози эшитилди. Котибага қараб:

— Кумушхон, ҳозиргина уйдан кўнироқ бўлди, "родной" акам

ўтиб қоптилар, бирровга ўтиб келсам мийлими? — деб рўхсат сўрапти. Хайрон бўлдим. Нега акаси ўтиб қолган бўлса, котибадан рўхсат сўрайди? Шундай бўпти, мен кетдим деса бўлади-ку. Яна "бирровга" дейдимми? Ё, товба!

Котиба ҳайрат билан:

— Ия, нега турибсиз, тезда бормайсизми? Акангиз экан, югуринг. Раҳбарга ўзим айтиб қўяман, — деб Тоҳир акани тезлатди.

Тушликдан кейин хона телефонига кўнироқ бўлди. Ўшакни кўтарсам:

— Халилов, ишхонадами-сиз? — раҳбарнинг овози эшитилди. — Ярим соатда тайёр бўлинг, жанозага ўтиб келамиз, тушундингизми? — деб ўшакни қўйди.

Тоҳир аканинг уйига боргунча анча вақт кетди. Тополмаганимиздан охири раҳбарнинг ўзи телефон қилди. Тоҳир ака телефон бўлишини кутиб ўтиргандай дарров жавоб берди.

— Алло, ўртоқ Шерназаров, тинчликми? Хонангизга қирайми? — деб ҳайратга солди.

Кейин билсак, жаноза пешин вақтида бўлиб ўтган экан. Тоҳир ака акасини ерга қўйиб, тезда ишхонага қайтибди. Биз эса амаллаб уйини топиб, дуо-фотиҳа қилиб қайдик.

Қайтишда раҳбар менга қараб:

— Кўрдингми, Тоҳир Азизов интеллигент одам демаганми-диз? Ўз акаси бўлса ҳам жанозани ўтказиб ошга борибди. Мана, одам қандай бўлади! Ишга садақатига қўйил қолиш керак, — деди.

Бўйинимдаги бўйинбоғни бир бўшатиб, бир сиқиб қўяман. Машина торлик қилиб, юрагимни сиқиб бошлади.

Хаблимда эса Тоҳир ака қандай қилиб шундай "интеллигент" одам бўлган экан? — деган ўй гужон ўйнай бошлаган эди.

Ўтқир ҲОШИМОВ.

АДАБИЙ ТАЛҚИН

Аслингга қайтгил, ВАТАН...



О, ота маконим, Онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга, Сендай меҳрибон йўқ, Сениндек кўркам, Римни алишмасман бедапоянгга. Дунёда муқаддас тушунча, яъни инсон доимо дилининг тубида асровчи, ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган, ҳамisha эътиқод қиладиган саждагоҳ бу — Ватан. Дарҳақиқат, она Ватан ҳақида қанча ёзилса, қуйланса, барибир камлик қилади. Барибир "нимадир" қолиб кетади. Шунинг учун Ватан оҳори тўқилмайдиган, дилрабо мангу қўшиқдир.

Хиндистон ибодатхоналари, Миср эҳромлари, Италиянинг қадим ёдгорликлари, Париж хиёбонлари, Америка шоҳқўчалари, Англия боғлари, Швейцария тоғлари, Венеция, Қоҳира ва Калькутта гўзалликлари, Американинг машҳур шаршараси-ю, Амазонка ўрмонлари, поляк, япон, италян гўзаллари... Уларнинг бари бетақдор! Лекин улар ҳам она юртимизнинг жомолига тенг бўлолмас! Ахир Ўзбекистоннинг тоғлари, дарёлари, қирлари, тепаликлари, чўллари, саҳролари, ҳаттоки чўлда ўсган саксовулларнинг гуллари дунёдаги ҳамма гўзалликни, жаҳоннинг беқиёс мўъжизаларини қамраб олади.

Хиндистон ибодатхоналари, Миср эҳромлари, Италиянинг қадим ёдгорликлари, Париж хиёбонлари, Америка шоҳқўчалари, Англия боғлари, Швейцария тоғлари, Венеция, Қоҳира ва Калькутта гўзалликлари, Американинг машҳур шаршараси-ю, Амазонка ўрмонлари, поляк, япон, италян гўзаллари... Уларнинг бари бетақдор! Лекин улар ҳам она юртимизнинг жомолига тенг бўлолмас! Ахир Ўзбекистоннинг тоғлари, дарёлари, қирлари, тепаликлари, чўллари, саҳролари, ҳаттоки чўлда ўсган саксовулларнинг гуллари дунёдаги ҳамма гўзалликни, жаҳоннинг беқиёс мўъжизаларини қамраб олади.

— Тилла балиқчадан шунча нарса сўрадингиз, энди ўзингизга бирозгина истеъдод сўрасангиз бўлармиди?

Шоир бирдан сергак тортибди. Ўзига ўтган йилларда нима етмаганини сезиб, дарҳол денгиз соҳили томон чопибди. Тилла балиқчага ёлворибди:

— Тилла балиқча, тилла балиқча! Менга бирозгина бўлса ҳам истеъдод бер.

Шунда тилла балиқча жавоб қайтарибди:

— Шу вақтгача нима сўрасанг, ҳаммасини рўёбга чиқардим. Лекин истеъдод бера олмайман. Чунки менда шоирлик истеъдоди йўқ. Уни фақат Аллоҳ беради, уни маҳорат билан чархлаб бориш керак, — дебди.

Бу бир ривоят, албатта. Улуғ шоир Пушкиннинг "Тилла балиқча"сига ўхшаш ҳикоятни айтишдан мақсад шулки, юртимиз не-не истеъдодларни берган олтин диёрдир. Истеъдод бўлмаса, бари бекор. Қалин-қалин китоблар чиқариш мумкин. Бироқ улар халқ дилидан жой олмаса, у китоблардан маъни йўқ. Ҳеч ким ўқимайди. Истеъдодлар битган асарлар эса ҳеч қачон ўлмайди. Шубҳасиз, ана шундай бетақдор истеъдодлардан бири — Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф эди. Унинг содда, халқона, лекин ниҳоятда дилбар шеърияти миллионлаб қалбларни қай жозибаси билан забт эта олди?

Муҳаммад Юсуф шу заминда туғилди, шу тупроқни севади, шу Ватан меҳрини дилида жо килди. Шоир ижодида буй урган, уни безаб турган тумор — Ватан образи, юрт ишқи эди, албатта.

Шоир шеърларида "Ўзбекистон ягонадир, она бағри гўдак учун қандай хузурибахш бўлса, Ўзбекистон биз учун қадри ва азиздир, уни юракдан севайлик, юракда сақлайлик, азиз тупроқ — Ватан туйғуси дилимизда ёниб турсин", — деган бадиий руҳият ўз ҳарорати билан балқиб, қалқиб туради. Унинг бутун ижодида, айниқса, "Ўзбекистон", "Халқ бўл, элим!", "Ватаним", "Дунё", "Бағишлов", "Тавалло", "Ўзбек", "Биз барҳаёт сиймо", "Ҳайрат", "Ўзингдан қуймасин, халқим" каби унлаб шеърларида Ватани севишдек ардоқли туйғу, она еримизнинг қайноқ тафти ёниқ ва кучли эҳтирос билан қаламга олинган.

Сен — шоҳлари осмонларга Тегиб турган чинорим, Ота десам, Ўғлим деб, Бош эзиб турган чинорим, Қўйнидаги ифтихорим, Бўйнидаги туморим, Ўзинг менинг улуғлардан Улуғимсан, Ватаним! Шу ўринда "Ватаним" шеърида "Ҳамдарду ҳамхонам, Офтобдан ҳам ўзинг меҳри улуғим, Гичир-гичир тишимдаги сўлигим, Олисларда қуриб қолган қудуғим, Ўзинг менинг улуғлардан улуғим, Сен шоҳлари осмонларга тегиб турган чинорим, Ёлғизим, ягона, дейми..." каби бадиий эпитетлар Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни, садоқатни янада оширади, зукко шоирнинг бадиий топқирлигидан далолат беради. Машраб, Яссавий, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Бобур, Абдулла Қодирий, Усмон Носир қиёфасида Ватаннинг дарду жафолари, адоқсиз нолапарни кўксини узиб кетган миллат фидойилари бағридан бўрқириб оққан ашклари берилади:

Утган кунинг — ўтган кундир, Ўз бошинга етган кун. Қодирини берган замин, Қодирини сотган кун. Қўлун боғлаб, Дилин доғлаб, Етаклашиб кетган кун, Воҳ, болам! деб айтолмаган Дудуғимсан, Ватаним. Ҳа, Қодирий ўз миллатдошлари томонидан сотилган, айбисиз отилган эди. Шу боис, хунрез тузумда Ватан дудуққа айланган эди. Қаттол тузум инсон эркини қулфлаб қўйган эди.

Сотилган, айбисиз отилган эди. Шу боис, хунрез тузумда Ватан дудуққа айланган эди. Қаттол тузум инсон эркини қулфлаб қўйган эди.

Сотилган, айбисиз отилган эди. Шу боис, хунрез тузумда Ватан дудуққа айланган эди. Қаттол тузум инсон эркини қулфлаб қўйган эди.

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим, Қуллар босиб қуримасин дарёларим. Алломишга алла айтган момоларим Рухини шод этай десанг — халқ бўл, элим!.. Шоир ҳайқиради: қадди тетик, дунёда довриғи, дарди сендек улуғ яна ким бор, дея сел бўлади.

"Юртим, адо бўлмас армонларинг бор" шеърида эса юрт кўксидаги армонлар, шахид ўғлонлар, айбини билмай кетган Ақмал Иқром, Файзуллолардек марди майдонлар, Жайрондек термулган Чўлпонлар, қайинбарглар ёпиб қора кўзини, олисларда қолган Усмонлар ҳақида бағри қон бўлиб ҳайқиради:

Алҳазар, алҳазар, минг бир алҳазар, Ана, юришибди кийганлар зар, Қодирини сотиб шоир бўлганлар — Меҳробиндан чиққан чаёнларинг бор...

"Оқибат" шеърида эса поэтик хулоса аниқ: меҳр юракларда қотди, элнинг кичигини кичиги, каттасини каттаси ғажийди, оқибат анқонинг уруғи бўлиб қолди, ҳасад авж олди, андиша деган боғ вайрон бўлди, оналар қизини, қизлар онасини танимай қўйди. Шоир айтмоқчи: меҳрини, оқибатни, андишани сақланг, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшанг!

Меҳр юракларда қотса ичкикиб, Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи! Элнинг кичигини ғажир кичиги, Улуғини эса улуғи...

Тузингни тотиб, уни унутганлар хор бўлади, кўзларига икки жаҳон тор бўлади, юртфурӯшлар эса бир кафт қумлогичга зор бўлади, деб шоир Ватан соғинчини янада жарандор оҳанда изҳор қилган эди. "Ғайрат" шеъри эса Муҳаммад Юсуфнинг Ватан ҳақидаги асарларининг гоёвий мундарижасини белгилайди дейиш мумкин.

Аслингга қайтгил фақат, Орта қайтмоқ бўлмасин. Айтгин-айтгин бу шараф, Қўзинда нурлар сўнмасин. Кўнелинда гуллар сўнмасин, Сен ўзинг айт, Онажон, Сен ўзинг айтгин, Ватан...

Эп севган шоир учун Ватан билан фахрлиниш бахтдир. Ватанин улуғлаган, уни улуғларнинг улуғи деб наво қилган шоир мудом биз учун Ватаннинг фахри, ифтихори, ўзи айтганидек, унинг "Ширин каломи" бўлиб дил тўридан жой олаверади.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — баэм, Сенсиз бир он қолсам раҳим келади. Сени билганларга қилман таъзим, Сени билмасларга раҳим келади. Ҳа, Ватан бағрида ўтган ҳар кун байрам, шодиёнадир. Шоир айтмоқчи бўлган гурури сўз, улуғ даъват, фахр туйғуси ҳам шундадир.

Парда АЛИМОВ, Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси, филология фаилари номзоди.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

Дилдора АБДУНАЗАРОВА

ҚАРО КЕЧАЛАРДАН ИЗЛАЙСИЗ ЗИЁ

Йўқ, улар эъзозга арзимас экан, Юрак чинқирганин эшитмас — қардир. Дунёнинг этагин маҳкам тутмишлар, Сенинг куймоғинга хўп харидордир.

Йўқ, меҳринг ҳайф экан, муҳаббатинг хор, Гина қилар бўлсам, ношуқурликмас. Ёлғиз бир таскин бор юрак қаёрида, Бу Ҳақнинг ризоси... бошқа нарсамас.

Одамдан одамлик кутмоқ — одамлик... Мен ҳам бандачилик хатосидаман. Лабда табассум-ла юрган билан Асли шу юракнинг нидосидаман.

АСЛИДА...

Сизга ёрдан керак эмас, аслида, Бездим нолийверган сўзларингиздан. Кўрасиз-у, аммо боғлаб қўйилган Боғични ечмайсиз кўзларингиздан.

Ўзингиз урасиз турли сўқмоққа, Қаро кечалардан излайсиз зиё. Умрингиз берасиз ташдех тўқмоққа, Эшитганингизга бўлиб маҳлуё.

Сизга ёрдан керак эмас, аслида, Бошингиз силлаган кўлни кесасиз. Суюлиб озодлик этишса ҳади, Қафасга қайтишни режа тузасиз.

"Эзилган, бечора, қурбон"сиз гўё, Улоқтириб ташлаб масъуляти. Зулуксиз, истайсиз: кимдир сиз учун Яшаб ўтсин олиб мажбуриятни.

Сизга ёрдан керак эмас, аслида...

ИЛТИЖО

Рухимда курашиб толмас икки жон, Бири фариштадир, биروي шайтон. Гоҳи кувонаман, гоҳ чеккун андуҳ, Бири-бирисига бермайди имкон.

Бу дунё ютмасин мени домига, Жаннатдан узучи йўллардан асра. Аллоҳ ҳамдам бўлсин ҳар қадамимда, Шайтонга қул бўлган қўллардан асра.

Мен голиб бўлмоқлик йўлига чиқдим, Ёлғизим! Қўллагин, Ўзинг бер тўзим.

Нафсимни хор айлаб, иймоним голиб, Енишни истаيمان ўзимни ўзим.

МАЙЛ...

Мени алдаш мушкул, алдамоқ қийин, Ҳар сўзинг маъносин англайман бир-бири. Алдайсан, аврайсан, қилиб сўз ўйин, Аммо ишонтирар мени нимадир...

Ақлим юз бурса ҳам сендан тескари, Қалбим талабига ожиз тураман. Биламан... сўзларинг ёлгондир, аммо Сенига алданишни яхши кўраман.

ТАФОВУТ

Одамзоддан қўмак тиландим, Бошим эзиб, мисоли ғариб. Яратгандан ёрдан сўрадим, Эзик бошим баланд кўтариб.

Одамзоддан қўрқдим-у, қочдим, Ўздан қочмоқ тобора қийин. Ҳақдин кўриб, кўнглимни очдим, Яқинлашдим қўрққаным сайин.

ЖИМ СУЙДИМ...

Мен сени жим суйдим, жим ардоқладим, Гоҳи кўлларингдан келарди тутғим. Изҳори дил қилмай жим йироқладим, Севгимни, сиримни келмади тўқким...

Ўзимдан қизгондим туйғуларимни, Авайлаб асрадим ғуборсиз, гардсиз. Билдирмай термулдим, билдирмай севдим, Ҳеч қандай талабсиз, ҳеч қандай шартсиз.

Сенига бахт тиладим, қувонч тиладим, О, ҳажр илони бунча чакмаса? Бундай оғирлигин қайдан билардим, Ёнсанг-у, чарсиллаб учкун чакмаса...

Сен томон бормоққа босмадим қадам, Дунё беҳабардир — кўнглимда ким бор. Сен эса билмасдан севилган одам, Мен эса сезилмай бўлганман тор-мор...

Мен сени жим севдим, жим ардоқладим...



Муаллиф ҳақида: Дилдора АБДУНАЗАРОВА — 1979 йил Шаҳрисабз туманида туғилган. Тумандаги 77-умумтаълим мактабда таҳсил олган. Шеърлари Республика матбуотида чоп этилган. "Аллоҳнинг омонати" номли илк шеърый тўплами нашр этилган. Тошкент Фармацевтика институти тасвофига.

ЧўЛПОН

Тушларимга қиради Чўлпон, Билмам ненинг гамини ёйди? Диёр Раҳмон, ухлама, уйгон. Мудроқ халққа шеърлар ёз, дейди.

Ишқалайман кўзимни маҳзун, Халқниқидек мудроқ кетмайди. Мен Чўлпондек ёзишим учун, Жисимдаги мадор етмайди.

Лек кўксимда эрк уриб тугён, Қулларимга қалам тутлади. Чўлпон руҳи теграмда гирён, Мендан ҳам кўп алам ютади.

Ўткир қалам, элимдай ожиз — Қоғоз бағрин тирнаб боради. Ҳақиқатни ёзмасам холис, Дард дилимни тиглаб ёради.

Бир мен айтсам оғирлик қилар, Қора халқнинг хомталаш ҳадди. Қачонки эл узлигин билар, Шундагина юксалар қадди.

Ёсам, қалам чарсиллаб кетса, Нима қилай, айт, Чўлпон бобо? Фигонларим Оллоҳга етса, Қайта тирил, қайт, Чўлпон бобо!

Юрагимда жойлашиб Чўлпон, Билсам, юрнинг гамини ёйди. Диёр Раҳмон, сергак бул, ўлгон. Мен тирилдим, мен сенман, дейди.

ЖУРНАЛИСТ

Журналистнинг йўлини тўсманлар, Халқ дардини аритмоқчидир. Қалам тутса, қўлин кесманлар, Ҳақиқатни ёритмоқчидир.

Ҳақиқат йўқ дема, биродар, У бор, асли мажруҳдир фақат. Журналистлар уни тўзагар, Ўз виждонин уйғотса, албат.



Дилробо РАҲМОН, ЎЗЖОКУ 2-босқич талабаси.

ТУҲФА

БИЛИМ ЖУРНИ ИМОЖ КАБИДИР!

Буюк олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига муносиб икки совға

Она диёримиз инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Махмуд Чағминий, Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Ҳафз Кабир Бухорий, Махмуд Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний каби қўллаб буюк даҳоларга бешик бўлган. Аждодларимиз дунё илм-фанининг, илк мусулмон Уйғониш даврининг маёғини тутган эдилар. Улар орасида Абу Райхон Берунийнинг алоҳида ўрни бор.

Бугун мамлакатимизда аждодлар меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида фахр эътишога эришувчи ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг 25 августига "Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида" Президент қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш ва буюк бокалонимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишда тарихчи олимлар билан бир қаторда иждоқкорлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Шу маънода фалсафа фанлари доктори, профессор Бахтиёр Тўраевнинг "Беруний — инсониятнинг буюк мутафаккири" китоби ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг "Абу Райхон Беруний" тарихий-биографик романи юзага келди.

Маълумки, Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048) файласуф, математик, астроном, астролог, тарихчи, адабиётшунос, шоир, этнограф, сайёҳ, таржумон, доришunos сифатида ўнлаб касбларни ўзида мужассам этган ва нафақат ўзбек элининг ёки Марказий Осиё халқларининг, балки бутун инсониятнинг фахри ифтихори саналади. У математик, астрономик, географик фанларнинг фундаментал гояларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнаган бўлиб, геодезияга, минералогияга, ўсимликшунослик, фармакогнозияга асос солган ҳамда топонимика, этнография, этногенезия, геология, география, тригонометрия, сферик геометрия, оптика, физика, картография ва бошқа табиий-илмий фанларга оид салмоқли концепцияларни ишлаб чиққан қомусий мутафаккирдир. Беруний XI асрда ер юзининг диаметрини бугунги ўлчовларга яқин бир тарзда ҳисоблаган, ўз тадқиқотлари билан Ғарбда машҳур бўлган Ньютондан аввал ернинг тортишиш кучи ҳақида хабар берган ва Галилейдан олдин ернинг шар шаклида эканлигини айтган буюк даҳодир! Ҳаёти мобайнида 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Бундан кўринадигани, академик Игнатий Кречковский: "Беруний қизиққан соҳаларни санаб чиққандан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиш осонроқ", деб, америкалик тарихчи Жорж Сартон: "Дунё фани тарихида XI асрнинг биринчи ярми Беруний давридир. У ўз замонасининг улғу олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замоналарнинг ҳам энг улғу сиймосидир", деб бежиз эътироф этмаган. Ана шундай буюк аждодимиз ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлодга етказиш илм ахли, зиёлилар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Атоқли файласуф Бахтиёр Тўраевнинг узоқ йиллик илмий изланишлари, буюк аждодларимиз ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотлари натижасида юзага келган "Беруний — инсониятнинг буюк мутафаккири" китобида аллоҳнинг ҳаёти, таваллуди, устозлари, у яшаган давр муҳити, асарлари, уларнинг яратилиши, Берунийнинг илм-фанга қўшган муносиб ҳиссаси, илмий меросидан намуналар, ўз даврида даҳонинг эътироф этган, содда қилиб айтганда, унга тан берган дунё олимларининг фикрлари, асрлар давомида Беруний ҳаёти ва илмий меросини ўрганиб келган мутахассислар, бугунги берунийшуносларнинг тадқиқотлари ҳақида сўз боради. Китоб ана шундай фундаментал характерга эга бўлиб, у нафақат илм ахли, ёш мутахассислар, балки кенг китобхонлар учун қимматли манбадир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон яратган "Абу Райхон Беруний" тарихий-биографик романи эса тамомилла ўзгача дунё. Шу кунгача қатор ҳикоялари, қиссалари ва "Озода", "Боқий дарбадар", "Тенетик", "Маъсума", "Алишер Навоий", "Билга хоқон" каби романлари билан китобхонлар қалбидан чуқур жой эгаллаган ёзувчи буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб яратган ушбу романида юртимизда Биринчи Ренессансининг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари, улғу мутафаккир бобомизнинг порлоқ шахсияти, ёшларимизга ўрнак бўладиган

жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилади. 13 қисмдан иборат мазкур романи ҳикоя услуби, бадий тасвир воситалари ва адабнинг сўз қўллашдаги маҳорати жиҳатдан ҳам замонамизнинг яхши асарларидан дейиш мумкин. Унда X-XI асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган тарихий воқеалар, жасур ва мард саркардалар — Алптегин, Сабуктегин, султон Махмуд ва Масъуд Ғазнавий каби шахслар ҳаётига оид воқеалар қизиқарли тарзда баён этилган.

Муаллиф асарда аввалги биткиларига қўлламаган янги бир услубга қўл урган. Романда воқеалар Абу Файз лақабли Абдуллоҳ Райёний номидан ҳикоя қилинади. Тогнинг маҳобати узоқдан яхшироқ кўринади, деганларидек, Берунийнинг ҳаёти ва салоҳияти, бекиёс тафаккури Абу Фазл нигоҳи билан янада теранлашади. Китоб аввалида Абу Фазл: "Бу асаримда иззатга сазовор турли кишилардан ҳикоя қилган бўлсам-да, барчасининг подшоиси бир кишидир!" — дея билим қопқаларини очган Берунийни юксакка кўтарди ва то асар охиригача унинг буюклигини тўла очиб беради. Беруний каби буюк зотларни етиштирган муҳитни улуғлаб: "Бундай музаффарона ишларни қилмаган ёки қила олмаган султонлар афсус ва надомат бармоғини тишласинлар! Диёнат ва билим йўлида салтанат иқтидорини сарфлаган ҳукмдорларга эса Тангрининг саломлари бўлсин!", — дейди. Бу давъат бугунги кунда аждодларга муносиб йўл тутаётган ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратётган Янги Ўзбекистон стратегиясига ҳамоҳанг жаранглайди.

Аҳамиятлиси шундаки, Исажон Султон асарда воқеаларни қаҳрамонлар тилидан ҳикоя қилар экан, Берунийни оҳанжамга таърифларга ўраб-чирмаб ташламаган. Уни — узун бўйли, қуюқ қора қоши, кўзларида ўсимирларча самимият ва софлик уфуриб турган, ҳамиша кўли кўксига, хали ўсимирлик чоғларидаёқ араб, турк, юнон ва сурёний тилларини биладиган, "Аллоҳга қасамки, ёруғ оламда жохилдан кўра зарарлироқ яратиб йўқ экан" деган хулоса чиқарган ва устозлари, ўша давр султонлари томонидан тилпа-кумуш, от ва шунга ўхшаш қимматбахо совғалар берилганда, барчасини рад этиб, фикру зикри илмда бўлган муаззам сиймо сифатида гавдалантиради. Асарда ўзбек давлатчилигида муҳим аҳамият касб этган собийлар, ҳарронийлар, зардуштийлар, монийлар, маздакийлар, ҳатто қармайтилар ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда, Мовароуннаҳр ва Хуросон шахарларини таъриф этар экан, Райнинг дунёда энг тез учар оқ тусли лочинлар, Дамашқ ва Журжоннинг оқ тилпалари, Арнан тоғи этагидан қазиб олинандиган ўта зич олтинлари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Берунийнинг Райда ихтиро қилган тарозиси, илм мажлисларида сув суюқликдан буғ ёки муз шаклга ўтиши, она қорнидаги лахта қон инсон шаклига ўтишини асослаб берганлиги, 24 ёшидан бошлаб, ер юзиде яшаётган ёки ҳалок бўлиб кетган халқларнинг билимларини жамлаб, "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли бебаҳо асарини яратиб бошлаганидан ва йил ҳисоблари, буржлар, тақвимлар, умуман, башарият йўли ҳақидаги маълумотлар қизиқарли ҳикоя қилинган. Беруний ушбу шоҳ асарини тугаллаш арафасида саройнинг бир мўътабар кишии зиёфатга тақлиф этганида: "Ундай давраларни кўнглим тусамайди. Мен ҳатто бир неча ойлик озуканим гамлаб, ҳужрамга кириб, то озукам тугамагунча бировнинг кирмаслигини орзу қиламан. Тез орада сенинг олдинга "Осорул-боқия" деган бир дастурхон ёзмаман, унинг неъматларини эса биронта зодагон ёки давлатидан киши ҳузуридан тополмайсан", дейди. Бундай жонли мулоқотлар нафақат Беруний шахсиятини, балки асар руҳини ҳам янада юксакка кўтариб юборган.

Асарда Берунийнинг "Байтул-ҳикма"даги фаолияти ҳамда Гурганждаги "Дорул-хикма-вал-маориф"ни ташкил этишдаги жонбозликлари, "олимларнинг шоҳларга ҳожати

йўқлиги, аксинча, шоҳларнинг олимларга эҳтиёжи борлиги" гўзал тарзда ифодаланган. Унинг Абу Али ибн Сино билан учрашиш воқеаси ҳам нихоятда чиройли тасвирланган. Ибн Сино келадиган куни Абу Фазл Беруний олдида бозордан олиб келинадиган нарсалар рўйхатини тузиб киритади. Беруний эса: "Сен уни егулик-ичгуликларга қараб севинади, деб ўйладимми? Сен унинг олдига тафаккур дастурхонини ёз, муаммо ва ечим ноз-неъматларини кўй. Ана шу олимнинг зиёфати бўлади", дейди.

"Билим худди имон кабир!" Бу Берунийнинг аъмоли, ҳаётий маслағи эди. У умри давомида оғишмади. Ана шу мақсадда "Мен одамларга қилгани топишни ўргатсам ёки уларни тўғри йўлга солсам, у дунёда ажрси, бу дунёда мактовсиз қолмасам керак" деган эзгу мақсадни олдига қўйди ва ниятига ҳам эришди. Алломанинг яна бир орзуси ҳаж зиёрати эди, афсуски, бу армон бўлиб қолди...

Берунийнинг Ҳиндистонга сафари ва шу номдаги асарининг ёзилиш жараёнлари, йўқолиб кетган қадимги санскрит тилини қанчалик мукамал ўрганганили, ҳинд халқларининг тарихи ва урф-одатларини нақадар дақиқлик билан тадқиқ этганлиги романда қизиқарли баён этилган. Академик Виктор Розеннинг "Шарҳ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида Берунийнинг "Ҳиндистон" асарига тенг келадиган асар йўқ!" дея эътироф этгани ҳам бунинг тарихий далилидир.

Асарда тасвирланишича, Суманот юришида ғалаба қозонган, султон Махмуд Ғазнавий Беруний билан уммон ёқасига келади.

— Ер юзининг охири шуми? — деб сўради Султон Махмуд.

— Шундай, эй, саодатли шоҳ, — деб жавоб қилди Абу Райхон. — Бундан у ёғи, ер юзининг тўртдан уч қисми сувдир. Сиз куруқликнинг сўнғисига қадар келдингиз.

— Сувининг нариёғида ёки чап ва ўнғида кимларга дуч келинади?

— Барбарлар, занжилар ва ёввойилар яшайдилар. Аммо ернинг шимолий икки қорғидан бири куруқлик бўлгани сабабли унинг қарама-қаршисидеги чорак қисмида ҳам куруқлик бор ва у куруқликка хали инсон қадами етмаган, деб таъмин қиламан.

Бу ҳали кашф этилмаган, аммо Беруний илмий асослаб берган Америка қитъаси эди. Бундан қувонган Махмуд Ғазнавий: "Мен куруқликнинг сўнғигача қилиб тебратдим, қанча қонлар тўқдим, мулкларни ҳукмига бўйсундирдим. Сен эса Нух алайҳиссалом давридан буён содир бўлган тарихларга черик тортдинг ва фатҳ этдинг!" — дея юксак эътироф этади. Хат-саводи бўлмаган ва ёлғиз ўғлим билим олсин, деб даштдан тиниб келиб, бозорда сотишдайд мashaққатга чидаган ва Берунийдай буюк сиймони башариёта етиштириб берган онанинг орзуси амалга ошарди. Мутафаккир "Зик" китобини ҳам яратгани ва 1029 (Мирзо Улуғбекда 1018) та юлдуз ҳаракатини тасниф этади. Ҳаётининг сўнги дақиқаларида ҳам дўсти Абул Ҳасан Валволийидан "Ал-жаддат ал-фосида" ҳақида сўради ва улгим тўшади туриб, "Мен бу дунё билан хайрлашаётимман, ўша масалани билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхшироқ эмасми?" дейди. Беруний ана шундай мукаррам зот, "Абу Райхон Беруний" романи эса улғу зотга муносиб асардир. Зеро, Исажон Султоннинг АҚШ ва Туркияда нашр этилган "Боқий дарбадар" ва "Боғи Эрам" китобларини ўқиб, "Абу Райхон Беруний" романига сўзбоши ёзган Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжар таъкидлагандек: "Тангриотодан то Косовога қадар ясланган туркий дунёда бугун янги Берунийлар, ибн Синолар, Хоразмийлар, Улуғбеклар улғаймоқдалар. Абу Райхон Беруний ҳақидаги ушбу асар ёшларимизни билим ўрганишига ва янгидан-янги кашфиётларни мақсад қилиб олишига руҳлантиради".

Холиёр САФАРОВ, "O'zbekiston tarixi" телеканали катта муҳаррири.

Болаларни қандай ўқитаяпмиз?

6-6.

Шунингдек, Германияда ҳам шу тартиб ҳозирги кунгача амалда. Немис боласи ҳам ўз она тилининг сўз бойлигини ўлаштириб боради. Бола ўз тилининг рангли қирраларини мукамал ўрганиб олгандан кейингина ўзга тилни ўрганади. Германияда ишлаб келган бир таннишминг айтишича, кўчада чет тилида сўзлашган одамларга ҳам жарима солинар экан. Ана тилга ҳурмат, ана ўз қадрини билиш.

Шу ерда айтмоқчиманки, юқорида айтиб ўтганимиздек, ер юзидеги одамлар 7 мингга яқин тилда сўзлашаркан. Бутун борлиқни яратиб, ҳамма нарсани тартиб билан ҳаракатини белгилаб қўйган олий зот — Аллоҳ агарда истаса, бутун инсониятни битта тилда сўзлашадиган қилиб қўйиши мумкин эди. Лекин нега тилларни турлича қилиб қўйди? Чунки Парвардигори олам ўзи хоҳлаган халққа илм беради, хоҳламаганига йўқ. Қайсики халққа илм беришни истаса, ўша халқнинг тилини ҳам сўзга бой қилиб қўяр экан.

Яратганга шукрлар бўлсинки, она тилимиз бой ва гўзал. Қонимизда эса улғу аждодларимизнинг истеъдод қони оқмоқда. Лекин ана шу истеъдодни она тилимиз билан рўёбга чиқаришни ҳануз тўлиқ амалга яппимиз.

Тилшуносларнинг айтишларича, тилимизда 100-130 минг сўз бор. Биз шундан, нари борса, 10 мингдан фойдаланар эканмиз, холос. Борди-ю, тилимиздаги сўзларнинг 30-40 мингини ёд билганимизда, истеъмомда қўллаганимизда эди, бизнинг тараққиётимиз ҳам бугун японларникидан кам бўлмасди.

Ўз тилимизни ўрганишимиз ва ўргатишимиз зарур. Биз эса... ўз тилимизнинг хурматини ҳамон жойига қўёлмаймиз. Ажнабий тилларни ўрганишнинг зиёни йўқ. Ҳатто қони фойдадир. Аммо фақат болаларга, аввало, ўз тилимизни ўргатишимиз зарурдир. Қачонки бола ўз тилининг "камситилишини" кўрмасин. Ҳа, ҳа, камситилишини кўрмасин. Ахир мактабларда она тили фанидан дарс ўтаётган ўқитувчи бир синфда 30 нафар болага дарс ўтади ва бир ставкага, айтилик, 3800000 сўм маош олади. Ажнабий тилни ўқитётган ўқитувчи синфни бўлиб ўқитади, яъни 15 нафар болага дарс беради ва 5800000 сўм маош олади. Буни ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам кўриб турибди. Ўз тилининг қадри ана паст эканлигини англапти. Бу қанчалик салбий таъсир этишини билаемизми?

Мамлакатни яна ҳеч бўлмаганда 20-30 йилдан кейин ривожланган давлатга айлантириш, баланд погоналарга кўтариш учун болани худди японлардек ўқитишимиз керак. Бола боғча ёшида ўзга тилни ўрганимиз. Эндигина ривожланаётган миёга ажнабий сўзларни тиқштириб алағай-чалағай қилиб қўймаймизмики?! Ўз тилимиздаги ашула, шеър, мусиқа билан боланинг онгини тўлдириб олайлик, кейин сал эс танигандан кейин бошқа тилларни ўрганимиз. Шунингдек, олий ўқув юртиларига киришда иншо ёзишни жорий қилиш, иншодан ўтган абитурентларгагина бошқа имтиҳонларни топширишга руҳсат бериш керак. Бугун олий ўқув юртиларини битирган мутахассисларнинг жудаям кўли ўз фикрини қозога ёзиб баён қилиб беролмайди. Янада очикроқ айтсак, савод масаласи жуда ғариблашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мактаб битирувчиларини кўя турайлик, ҳатто олий таълим ўқув юртиларини тамомланганларнинг орасида ўз исм-шарифини тўғри ёзолмайдиганлар ҳам кам эмас.

Таклифим, юқоридеги фикрлар амалга оширилса, ҳам тилимиз ривожланади, ҳам мамлакат ривожланади, ҳам ишлаб чиқаришга етук кадрлар етказиб берилади. Ахир келажакка фикрловчи, илмий, ихтирочи мутахассислар керак-ку!

Яна битта гап. Бугун мактабларимизда деярли газета-журнал ўқишмайпти. Чунки "мажбурий обуна", деб болалар туғул, ўқитувчи, устоз-мураббийлар ҳам маънавият саршамасидан мосуво қилинди. Ўйлаб кўринг, бутун бошли минг нафар ўқувчи ўқийдиган таълим ўчоғига ақалли бир нусха "Гулхан", "Ғунча" ёки "Тонг юлдузи" каби болалар нашрлари бормайди. Саводсизлик шу тарзда авж олиб бормоқда. Мамлакатнинг нуфузли нашрларини ҳам ўқитувчилар олмайди, ҳисоби. Бу ахир жуда ачинарли ҳол-ку!

Бу меннинг шахсий фикрларим. Сиз-чи, сиз нима дейсиз, ватандош?

Собиржон ҲАКИМОВ, Мархамат туманидаги 3-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ТАРБИЯ

ОҚИЛА ОНА

Бола онасининг олдида йиғлаб кирди. — Нима бўлди? — сўради она. — Анови Мансур мени урди. У энди менинг акам эмас, уни мен ака демайман, хали кўчага чиқсин, мен ҳам ўғли Рустамни ураман, — ҳиққиллади бола. Она олти яшар боласига ичи ачиди. Аммо захрини ичига ютди. — Сени аканг урган бўлса, гапиға кирмагандирсан. Айтганини қилмагандирсан. У сенинг амакинг, даданенинг укаси, сени яхши бўлсин, тўғри йўлга тушиб олсин, деб шундай қилган. — Барибир, уни ака демайман. Хали дадам ишдан келсин, мени урганни айтиб бераман. — Зинҳор ундай қилма. Даданг бизни ҳайдаб юборади. Ахир у укаси-ку! Биздан кўра, укасини яхши кўради. — Нега биздан кўра уни яхши кўради? — Ахир сен ҳам уканг Дониёрни ҳаммадан яхши кўрасан-ку! Ё биров Дониёрни ёмонласа, қўшилишиб ёмонлайсанми? Амакинени ҳам даданг шундай яхши кўради. Уни ёмонласанг, даданг сени ёмон кўриб қолади. Бола онасининг гапидан ўйлиниб қолди. — Сен, яхшиси, ҳозир уларни кўра-да, келиноинига ердан бер. Кичик ўғли Рустамжонни

ўйлатиб тур. Ана шунда амакинг уялиб қолади. Кейин сени яхши кўриб қолади. Сенаг зинҳор ёмон гапирмайдиган бўлади. Мана кўрасан, даданг ҳам сени янаям яхши кўриб қолади. Бола аввал тухирлик қилиб пича турди, лекин бироз ўтган, чиқиб кетди. Икки соатлардан кейин югурганча кириб келди. — Ойи, дам олиш кунни амаким Рустам иккови мизни шаҳарга ўйнатгани олиб борар экан. — Рустамжон деин, болам, Рустамжон деин ё укам деин. Ахир у ҳам сенинг укаси-ку. У ҳам сени акам деб янаям яхши кўриб қолади. Амакинг сизларни жуда яхши кўради-да, ортиндан мактагани-мактаган. Вой, бирам маза қилиб ўйнаб келар экансизлар-да. Қанийди, меням амаким бўлса-ю, ўйнатиб келса. Она оиланинг тўнғич келини эди. Бошқа келинлар ҳам ундан ибрат олиб ўргандилар. Кейинчалик болалар бир-бирларига меҳр-оқибатли инсонлар бўлиб улғайдилар. Яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам бир-бирларига елкадош бўлдилар. Ахир уларнинг қалбларига аҳиллик, иноқлик, меҳр уруғини оқила она ўз вақтида экиб улгурганди-да.

С.ҲАКИМОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.